КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

29 ОКТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЖУМА № 246 (2.652). Баҳоси 3 тийин.

**Яшасин ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! Партиянинг кучи—халқ билан бирликдадир! Халқнинг кучи—партия билан бирликда, унинг раҳбарлигидадир!**

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

## ИЛҲОМБАХШ ТАБРИК ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

Колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, механизаторларни, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, тайёрлов, транспорт ва қайта ишлаш корхоналарининг ходимларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимларини катта меҳнат ғалабаси билан самимий табриклайман ва шу йилги ҳосил учун курашда актив қатнашган барча кишиларга астойдил миннатдорчилик изҳор этаман.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

**Узбекистон ССР давлатга дон, сабзавот, картошка, хўл мева, узум ва полиз маҳсулотлари сотиш планларини бажарганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қадрдонимиз Леонид Ильич Брежневнинг республикадаги барча меҳнаткашларга йўллаган қизғин қутловидаги бу оталарча самимий сўзлар ҳар бир меҳнат аҳлининг қалбидан чуқур жой олиб, уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда, севикли Ватанимиз равнақи йўлида, совет кишиларининг фаровонлиги йўлида янги, янада юксак зафарларга ундамоқда, руҳлантирмоқда.**

**Республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, дон, сабзавот, картошка, хўл мева, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Айтиш керакки, бу йилги об-ҳаво шароити деҳқонларимиз учун, айниқса, ғаллакорларимиз учун ниҳоятда қийин келди. Баҳор фаслида мутлақо ёғингарчилик бўлмади, ҳаво кирагидан ортиқча исиб кетди, натижада лалмикор ерлардаги буғдой ва арпа батамом қовжираб қолди, ёз ойларида эса сув танқислиги сабабли 30 минг гектар майдондаги шоли нобуд бўлди. Лекин шунга қарамай, деҳқонларимизнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли донли экинлардан мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга дон сотиш мажбурияти шараф билан бажарилди. Республика колхоз ва совхозлари Ватан омборларига 1 миллион тоннадан зиёдроқ дон тўкдилар.**

**Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари ҳамда хўжалик органларининг дончиликни ривожлантириш борасида амалга ошираётган тадбирлари яхши самара бераётир. Беш йилликнинг икки йили мобайнида дон тайёрлаш плани ўрта ҳисобда 120,8 процент қилиб ado этилди. Пахтачи, Бағдод, Ленин, Ромитан, Гагарин, Тўрақўрғон районларининг хўжаликлари бу йилги шароитда ҳам суғориладиган ҳар гектардан 35—45 центнердан ғалла ўриб олдилар. Айрим хўжаликларда эса бу кўрсаткич 50—60 центнерга етказилди. Маккажўхори экиладиган майдонларнинг кенгайтирилаётганлиги, ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этилаётганлиги дончиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Бу йил маккажўхори майдонлари республикамизда 300 минг гектарга етказилди ва ўрта ҳисобда гектар бошига 67 центнердан ҳосил олинди. Умумий маккажўхори дони ҳосили 2 миллион тоннадан ошиб кетди. 386 бригада ва бир қатор хўжаликлар ҳосилдорликни гектар бошига 100 центнерга етказдилар. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш мақсадида республикада маккажўхори экиладиган майдонларни янада кенгайтириш, бу соҳада саноат технологиясини янада кенг қўллаш кўзда тутилмоқда.**

**Эл дастурхонини коз-неъматлар билан сероб қилиш, мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга оширишга имкони борича кўпроқ ҳисса қўшиш ниятида меҳнат қилаётган сабзавоткорларимизнинг қўлга киритган ютуқларидан бутун мамлакат мамнун бўлмоқда. Улар бу йил давлатга 3 миллион 130 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари сотдилар, бу эса пландагидан 276 минг тонна кўпдир. Мамлакат саноат марказлари учун Умумиттифоқ фондига мева ва сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш планлари ошириб бажарилди. Бу ютуқларга ноқулай келган об-ҳаво туфайли юз берган ғоят катта қийинчиликларни енгиб ўтиш орқали эришилди.**

**Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг барча областлари давлатга сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, хўл мева ва узум сотиш топшириқларини анча ошиғи билан бажардилар. Бунда давлатга энг кўп миқдорда — 805 минг тонна маҳсулот сотган Тошкент области меҳнаткашларининг, 447 минг тонна маҳсулот сотган Самарқанд қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг, шунингдек, Фарғона, Жиззах, Наманган области қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг қимматини алоҳида таъкидлаш зарур. Калинин, Самарқанд, Булунғур, Пастдарғом, Оржоникидзе каби илғор районлар мева-сабзавот етиштиришда энг юксак натижаларга эришдилар. Шаҳарлар ва район марказлари меҳнаткашлари, тайёрлов ва транспорт ташкилотларининг ходимлари мева ва сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олишда, жўнатишда ва омборларга жойлаштиришда колхоз ва совхозларга катта ёрдам бердилар.**

**Бугунги кунда республика меҳнаткашлари алоҳида кўтаринки руҳ билан яшамоқдалар. Дон, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида эришилган ютуққа партиямиз, она-Ватан юксак баҳо бермоқдалар. Қадрдонимиз Л. И. Брежневнинг табригига жавобан ҳамма ерда келгусида янада юксак марраларни белгилаш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни тағин ҳам кўпайтиришга қаратилган тадбирлар белгиланмоғи лозим. Бунинг учун ҳар бир районда, ҳар бир хўжаликда йил якунлари жуда синчковлик билан пухта таҳлил этилиши, илғор тажрибалар умумлаштирилиши, келгусида уларни кенг ўрганиш ва жорий этиш тадбирлари белгиланиши, айни пайтда мавжуд камчиликлар аниқланиши, уларни тугатиш чоралари кўрилиши, ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида ер, сув, техника, минерал ўғит ва бошқа моддий-техника восталаридан янада тадбиркорлик билан фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, давлатга етказиб берилиадиган озиқ-овқат маҳсулотларини кескин даражада кўпайтириш чоралари кўрилмоғи даркор.**

**«КПСС Марказий Комитети, — дейилади ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасида, — республика меҳнаткашлари деҳқонлар етиштирган бутун ҳосилни муваффақиятли равишда йиғиштириб олишни ниҳоясига етказиш учун зўр куч-ғайрат сарфлайдилар ва ҳамиша бўлганидек, давлатга пахта сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарадилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада янги-янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдиради».**

**Олдимизга қўйилган бу катта ва масъулиятли вазифани бажариш партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг, бутун меҳнат аҳлининг эндиликда шон-шараф ишидир. Шу кунгача эл хирмонига уйган «оқ олтин»имиз 5 миллион тоннани қорапаб қолди. Зиммага олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил далаларимизда бор. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан ҳамма бугун ўзини пахтакор, деб ҳисобламоқда. Катта машаққат ва зўр қийинчиликлар билан етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш мақсадида далаларда фидокорона меҳнат қилинмоқда. Она-Ватанга рапорт бериладиган қувончли кунларни яқинлаштириш учун янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлаш, ҳар бир теримчи, ҳар бир техникадан тадбиркорлик билан фойдаланиш, меҳнатни моҳирона ташкил этиш, илиқ-иссиқ кунларнинг ҳар дақиқасини ғанимат билиб, ундан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.**

**Қишлоқ хўжалиги, тайёрлов, транспорт, қайта ишлаш ва савдо корхоналарининг ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нобуд бўлишига йўл қўймангиз!**

**Етиштирилган ҳамма маҳсулотни сақлаб қоламиз ва халқ фаровонлиги йўлида фойдаланамиз!**

# ЗЎР САФАРБАРЛИККА ДАЪВАТКОР ҲУЖЖАТ

*Республика областларида ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг табрикномасига бағишланган митинглар*

## ХОРАЗМ

УРГАНЧ, 28 октябрь. (ЎзТАГ). Меҳнатдаги ғалаба —давлатга дон, мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш плани бажарилганлиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, республиканинг барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасидаги самимий дил сўзлари Хоразм меҳнатчиларининг ғайратига ғайрат қўшди.

Бугун Урганчда ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасига бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. Область театрининг залида ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари тўпландилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидова сўз берилади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини ўқиб эшиттиради. Табрикнома гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

—Азиз Леонид Ильич Брежневнинг табрикномаси, —дейди Ш. Р. Рашидов,— зўр илҳомбахш кучга эга бўлган ҳужжатдир. Унда республика ғаллакорлари ва сабзаводчиларининг ошиб бораётган маҳорати ҳамда фидокорона меҳнатига, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишига юксак баҳо берилган. Табрикномада ғаллакорлар билан сабзаводчилар олдига янги масъулиятли вазифалар қўйилган, қишлоқ хўжалик маҳсулотини янада кўпайтириш йўллари кўрсатиб берилган. Шу юксак баҳога жавобан биз янада яхшироқ ва самаралироқ ишлашимиз, социалистик мусобақа байроғини янада баландроқ кўтаришимиз ва шу тарика Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кўпроқ ҳисса қўшишимиз лозим.

Биз бундан буён ҳам дон хўжалигини сабот билан ривожлантиришимиз, маккажўхори ва шоли етиштиришни кўпайтиришимиз керак. Яқин келажакда республика дон етиштириши беш миллион тоннага етказиши лозим. Картошка тайёрлаш кескин ортади. Республикада мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Шу мақсадда бизда икки юзта янги ихтисослаштирилган совхоз ташкил этилди.

Ш. Р. Рашидов Озиқ-овқат программасини амалга оширишда, ҳамма экинлар ҳосилини йиғиштириб олиш ва аввало пахта тайёрлаши муваффақиятли тугаллаш йўлида Хоразм меҳнатчилари ҳал этиши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтди. Область пахтакорлари Леонид Ильич Брежневнинг кўр сатмаларига асосланиб ҳосилнинг қолган қисмини ҳам йиғиб-териб олишда ўз куч-ғайратларини икки ҳисса, уч ҳисса оширишлари зарур. Ҳали далада пахта жуда кўп. Область деҳқонлари пландан ташқари яна 50 минг тонна «оқ олтин» териб олишлари керак.

Митингда сўзга чиққан Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойбергенов. Хива район партия комитетининг биринчи секретари М. М. Маткаримов, «Хорезмводстрой» трести экскаваторчилар бригадири, КПСС XXVI съезд дининг делегати М. И. Довбня, Шовот районидаги Киров номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи О. Дўсова, Гурлан районидаги Киров номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати К. Йўлдошевлар Ўзбекистон деҳқонларининг меҳнатига берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга қизғин миннатдорчилик сўзларини изҳор этдилар.

—Ўзбекистон деҳқонларининг меҳнатдаги муваффақиятлари —қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенсив ривожлантириш тўғрисида партия билан ҳукумат, шахсан Леонид Ильич Брежнев қилаётган зўр ғамхўрликнинг самарасидир, деди Хонқа районидаги ал-Хоразмий номли шоликорлик совхозининг директори Н. В. Ким митингда сўзлаган нутқида. —Республика қишлоқ меҳнатчилари ишининг якунлари Ўзбекистонда донли экинлар ҳосилдорлигини ошириш, шоли етиштиришни янада кўпайтириш учун катта-катта резервлар борлигидан яққол далолат бериб турибди. Орол бўйи шоликорлари янги-янги кўрик ер массивларини қишлоқ хўжалик оборотига киритиб, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Комплекс механизациялаш ва химиялашни, фан ва илғор тажриба ютуқларини кенг қўлланиш, ихтисослаштириш жорий этиш туфайли Хоразм шоликорлари янги марраларга чиқиб олдилар. Область хўжаликлари давлатга сотган жами шолининг салкам чорак қисмини бизнинг совхозимиз берди. Биз бундан буён ҳам Озиқ-овқат программасини ҳал этишга кўпроқ ҳисса қўшаберамиз, совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш учун маҳсулот етиштиришни муттасил кўпайтираберамиз, кўп миллатли Ватанимиз бойлигини ошириб, куч-қудратини мустаҳкамлайберамиз.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси ишда янгидан-янги муваффақиятларга руҳлантиришини, барча меҳнаткашлар учун зўр сафарбар этувчилик омили бўлиб қолишини уқтириб ўтдилар. Ҳозир беш йилликнинг иккинчи йили ҳосили учун, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қийин жанг олиб бораётган пахтакорлар ҳам табрикномани жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилмоқдалар. Об-ҳаво инжикликлариga қарамай, пахтани ҳар қандай шароитда ҳам териш керак. Пахтани қабул қилиш қуритиш, тозалаш, асраш ва қайта ишлаш соҳасидаги ишни пухта ташкил этиш, қуритиш-тозалаш цехларининг кечаю-кундуз ишлашини таъминлаш керак. Толанинг аъло сифатли бўлишига, кўп миқдорда ажратиб олинишига эришиш, нобудгарчиликни энг кам даражага келтириш зарур.

Бу йил Хоразм чорвадорлари гўшт етиштиришни 20 процент, сут етиштиришни 15, тухум етиштиришни 20-25 процент кўпайтиришга сўз бердилар. Ваъдага шараф билан вафо қилиш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш, белгиланган марраларга эришишда кўпроқ катъият ва матонат кўрсатиш керак.

Саноат ходимлари олдида ҳам катта вазифалар турибди, деб таъкидланди митингда. Шундай меҳнат қилиш керакки, колоқлар бўлмасин, қабул этилган мажбуриятлар барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажариб борилсин. Бунда ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш керак. Вазифа саноат маҳсулотини кўпайтиришни йил охиригача 7—8 процентга етказишдан, унинг асосий қисмини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олишдан иборат.

Сўзга чиққан нотиқлар областда капитал қурилиш суръатларини ошириш учун кўп иш қилинаётганлиги тўғрисида мамнуният билан гапирдилар. Кейинги вақтларда кўп миқдорда ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жойлар, социал-маданий-маиший объектлар ишга туширилди. Шу билан бирга қурилиш коллективлари фаолиятида ҳали бирталай фойдаланилмаётган резервлар бор. Қурувчилар ишни яхшилашлари, бу йил учун белгиланган программани сўзсиз бажаришлари, ишга туширилдиган барча ҳамма объектларни фойдаланишга топширишлари зарур.

Хоразм меҳнаткашларининг куч-ғайратлари шу йилни— Совет Социалистик давлати ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланаётган йилни имкони борича яхшироқ натижалар билан якунлашга қаратилган, дейишди митинг катнашчилари. Меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва идеология ишн мана шунга бўйсундирилиши лозим.

Сўзга чиққан нотиқлар Хоразмнинг барча меҳнаткашлари фикри-зикрини ҳамда ҳис-туйғуларини ифодалаб, жонажон Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқулладилар, меҳнат аҳлининг бахт-саодати тўғрисидаги, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, янги уруш хавфининг олдини олиш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этдилар.

Митинг қатнашчилари давомли қарсаклар остида КПСС Марказий Комитетига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул этиб, унда Хоразм областининг меҳнатчилари беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини ҳамда социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажариш учун куч-ғайратни аямайдилар, меҳнатда янги зафарларга эришиб, Ватанни қувонтирадилар, деб ваъда бердилар.

Митингда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. К. Михайлов иштирок этди.

## СУРХОНДАРЁ

ҚУМҚЎРҒОН. 28 октябрь. (ЎзТАГ). Сурхондарё меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини ўқиб эшиттирдилар. Табрикнома гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

—Азиз Леонид Ильич Брежневнинг табрикномаси, —дейилади Ш. Р. Рашидов,— зўр илҳомбахш кучга эга бўлган ҳужжатдир. Унда республика ғаллакорлари ва сабзаводчиларининг ошиб бораётган маҳорати ҳамда фидокорона меҳнатига, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишига юксак баҳо берилган. Табрикномада ғаллакорлар билан сабзаводчилар олдига янги масъулиятли вазифалар қўйилган, қишлоқ хўжалик маҳсулотини янада кўпайтириш йўллари кўрсатиб берилган. Шу юксак баҳога жавобан биз янада яхшироқ ва самаралироқ ишлашимиз, социалистик мусобақа байроғини янада баландроқ кўтаришимиз ва шу тарика Озиқ-овқат программасини амалга оширишга кўпроқ ҳисса қўшишимиз лозим.

Биз бундан буён ҳам дон хўжалигини сабот билан ривожлантиришимиз, маккажўхори ва шоли етиштиришни кўпайтиришимиз керак. Яқин келажакда республика дон етиштириши беш миллион тоннага етказиши лозим. Картошка тайёрлаш кескин ортади. Республикада мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Шу мақсадда бизда икки юзта янги ихтисослаштирилган совхоз ташкил этилди.

Ш. Р. Рашидов Озиқ-овқат программасини амалга оширишда, ҳамма экинлар ҳосилини йиғиштириб олиш ва аввало пахта тайёрлашни муваффақиятли тугаллаш йўлида Хоразм меҳнатчилари ҳал этиши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтди. Область пахтакорлари Леонид Ильич Брежневнинг кўр сатмаларига асосланиб ҳосилнинг қолган қисмини ҳам йиғиб-териб олишда ўз куч-ғайратларини икки ҳисса, уч ҳисса оширишлари зарур. Ҳали далада пахта жуда кўп. Область деҳқонлари пландан ташқари яна 50 минг тонна «оқ олтин» териб олишлари керак.

Митингда сўзга чиққан Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойбергенов. Хива район партия комитетининг биринчи секретари М. М. Маткаримов, «Хорезмводстрой» трести экскаваторчилар бригадири, КПСС XXVI съезд дининг делегати М. И. Довбня, Шовот районидаги Киров номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи О. Дўсова, Гурлан районидаги Киров номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати К. Йўлдошевлар Ўзбекистон деҳқонларининг меҳнатига берилган юксак баҳо учун КПСС Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга қизғин миннатдорчилик сўзларини изҳор этдилар.

—Ўзбекистон деҳқонларининг меҳнатдаги муваффақиятлари —қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенсив ривожлантириш тўғрисида партия билан ҳукумат, шахсан Леонид Ильич Брежнев қилаётган зўр ғамхўрликнинг самарасидир, деди Хонқа районидаги ал-Хоразмий номли шоликорлик совхозининг директори Н. В. Ким митингда сўзлаган нутқида. —Республика қишлоқ меҳнатчилари ишининг якунлари Ўзбекистонда донли экинлар ҳосилдорлигини ошириш, шоли етиштиришни янада кўпайтириш учун катта-катта резервлар борлигидан яққол далолат бериб турибди. Орол бўйи шоликорлари янги-янги кўрик ер массивларини қишлоқ хўжалик оборотига киритиб, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Комплекс механизациялаш ва химиялашни, фан ва илғор тажриба ютуқларини кенг қўлланиш, ихтисослаштириш жорий этиш туфайли Хоразм шоликорлари янги марраларга чиқиб олдилар. Область хўжаликлари давлатга сотган жами шолининг салкам чорак қисмини бизнинг совхозимиз берди. Биз бундан буён ҳам Озиқ-овқат программасини ҳал этишга кўпроқ ҳисса қўшаберамиз, совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш учун маҳсулот етиштиришни муттасил кўпайтираберамиз, кўп миллатли Ватанимиз бойлигини ошириб, куч-қудратини мустаҳкамлайберамиз.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси ишда янгидан-янги муваффақиятларга руҳлантиришини, барча меҳнаткашлар учун зўр сафарбар этувчилик омили бўлиб қолишини уқтириб ўтдилар. Ҳозир беш йилликнинг иккинчи йили ҳосили учун, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қийин жанг олиб бораётган пахтакорлар ҳам табрикномани жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилмоқдалар. Об-ҳаво инжикликлариga қарамай, пахтани ҳар қандай шароитда ҳам териш керак. Пахтани қабул қилиш қуритиш, тозалаш, асраш ва қайта ишлаш соҳасидаги ишни пухта ташкил этиш, қуритиш-тозалаш цехларининг кечаю-кундуз ишлашини таъминлаш керак. Толанинг аъло сифатли бўлишига, кўп миқдорда ажратиб олинишига эришиш, нобудгарчиликни энг кам даражага келтириш зарур.

Бу йил Хоразм чорвадорлари гўшт етиштиришни 20 процент, сут етиштиришни 15, тухум етиштиришни 20-25 процент кўпайтиришга сўз бердилар. Ваъдага шараф билан вафо қилиш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш, белгиланган марраларга эришишда кўпроқ катъият ва матонат кўрсатиш керак.

Саноат ходимлари олдида ҳам катта вазифалар турибди, деб таъкидланди митингда. Шундай меҳнат қилиш керакки, колоқлар бўлмасин, қабул этилган мажбуриятлар барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажариб борилсин. Бунда ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш керак. Вазифа саноат маҳсулотини кўпайтиришни йил охиригача 7—8 процентга етказишдан, унинг асосий қисмини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олишдан иборат.

Сўзга чиққан нотиқлар областда капитал қурилиш суръатларини ошириш учун кўп иш қилинаётганлиги тўғрисида мамнуният билан гапирдилар. Кейинги вақтларда кўп миқдорда ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жойлар, социал-маданий-маиший объектлар ишга туширилди. Шу билан бирга қурилиш коллективлари фаолиятида ҳали бирталай фойдаланилмаётган резервлар бор. Қурувчилар ишни яхшилашлари, бу йил учун белгиланган программани сўзсиз бажаришлари, ишга туширилдиган барча ҳамма объектларни фойдаланишга топширишлари зарур.

Хоразм меҳнаткашларининг куч-ғайратлари шу йилни— Совет Социалистик давлати ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланаётган йилни имкони борича яхшироқ натижалар билан якунлашга қаратилган, дейишди митинг катнашчилари. Меҳнат коллективларидаги ташкилотчилик ва идеология ишн мана шунга бўйсундирилиши лозим.

Сўзга чиққан нотиқлар Хоразмнинг барча меҳнаткашлари фикри-зикрини ҳамда ҳис-туйғуларини ифодалаб, жонажон Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқулладилар, меҳнат аҳлининг бахт-саодати тўғрисидаги, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, янги уруш хавфининг олдини олиш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этдилар.

Митинг қатнашчилари давомли қарсаклар остида КПСС Марказий Комитетига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул этиб, унда Хоразм областининг меҳнатчилари беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини ҳамда социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажариш учун куч-ғайратни аямайдилар, меҳнатда янги зафарларга эришиб, Ватанни қувонтирадилар, деб ваъда бердилар.

Митингда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. К. Михайлов иштирок этди.

## ФАРҒОНА

ФАРҒОНА, 28 октябрь (ЎзТАГ). Бугун Фарғонада КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон меҳнаткашларига йўллаган табрикномасига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митингда қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари, тайёрлов органларининг, қайта ишлаш корхоналарининг ходимлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини ўқиллиш аҳли қизғин қарсаклар билан кутиб олди. Уни область партия комитетининг биринчи секретари Х. Умаров ўқиб эшиттирди.

Ўзбек ғаллакорлари, боғдорлари ва сабзавотчиларининг меҳнати, улар ғалла ва мева-сабзавот маҳсулотининг ҳамма турларини тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни барвақт бажарганликлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасида юксак баҳоланганлигини нотиқлар уқтириб ўтишди. Меҳнатдаги бу ғалабага Фарғона областининг деҳқонлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Об-ҳаво шароитлари ноқулай келишига қарамай бу ерда рекорд миқдорда —1980 йилга нисбатан 1,7 баравар кўп дон ҳосили олишга эришилди. Давлатга планда белгиланганидан анча кўп дон сотилди. Мева-сабзавот маҳсулотининг ҳамма турларини давлатга топшириш ҳажми йиллик топшириқдан 33 минг тонна ошиб кетди.

Ҳозир пахтазорларда «оқ олтин»ə теримининг энг долзарб даври бошланди. Область пахтакорлари, барча меҳнаткашлари етиштирилган жамики пахта ҳосилини тезроқ ва ҳеч нобуд қилмай териб олиш, юбилей йилининг юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш Ватанга 600 минг тонна «оқ олтин» топшириш учун бутун кучни ишга солмоқдалар.

Нотиқлар Ўзбек деҳқонларининг меҳнатига юксак баҳо берган КПСС Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга Фарғона областининг барча меҳнатчилари номидан самимий миннатдорчилик изҳор этдилар. Л. И. Брежневнинг табрикномаси, дейишди улар, Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг совет халқи фаровонлигини ва турмуш даражасини муттасил ошириш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлиги фарғоналикларни меҳнатда янги зафарларга руҳлантиради. Митинг қатнашчилари дала ва фермаларнинг меҳнатчилари мамлакат экономикасини муваффақиятли ривожлантиришга, Совет Иттифоқининг Озиқ-овқат программасини бажаришга бундан бўён ҳам тобора кўпроқ ҳисса қўшаберадилар, деб ваъда бердилар.

Митингда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

Митинг иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома йўлладилар.

## УЛКАН ХИРМОН УЧУН

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 28 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ**

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОШКЕНТ | 0,24 | 106,63 | 0,14 | 102,99 |
| Хоразм | 0,63 | 98,28 | 0,91 | 86,58 |
| ҚҚАССР | 0,86 | 95,00 | 0,70 | 81,40 |
| Бухоро | 0,81 | 92,81 | 0,51 | 37,84 |
| Навоий | 0,64 | 87,01 | 0,67 | 61,37 |
| Сурхондарё | 0,71 | 84,81 | 0,23 | 54,84 |
| Сирдарё | 0,43 | 80,05 | 0,19 | 81,09 |
| Жиззах | 0,67 | 76,45 | 0,24 | 71,64 |
| Қашқадарё | 1,07 | 75,64 | 1,47 | 59,98 |
| Наманган | 0,55 | 74,76 | 0,53 | 49,58 |
| Андижон | 0,66 | 74,37 | 0,88 | 54,83 |
| Самарқанд | 1,02 | 73,64 | 1,43 | 62,21 |
| Фарғона | 1,07 | 71,21 | 1,52 | 53,85 |
| Республика бўйича | 0,74 | 82,77 | 0,74 | 65,90 |
| Шу жумладан энгичка толали пахта. | | | | |
| НАВОИЙ | 0,75 | 123,58 | 0,88 | 92,26 |
| НАМАНГАН | 0,48 | 120,10 | 0,80 | 34,87 |
| СУРХОНДАРЁ | 1,19 | 103,01 | 0,46 | 80,78 |
| Бухоро | 1,95 | 89,64 | 2,67 | 16,17 |
| Қашқадарё | 1,51 | 84,92 | 1,38 | 51,69 |
| Республика бўйича | 1,31 | 97,74 | 0,89 | 68,06 |

Сайдулла Мамбетов Берунний районидаги Будённий номли совхозининг ёш механизаторларидан. У юбилей йилида ўз агрегати бункеридан 250 тонна «оқ олтин» бўшатиш мажбуриятини олган эди. Ваъдага вафо қилиш йўлида тер тўкаётган моҳир механизаторнинг бугунгача терган пахтаси 200 тоннадан ошиб кетди. Хўжалик заршунослари ана шундай механизаторлар ғайратшижоатига таяниб она-Ватанга 6 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишган.

СУРАТДА: сергайрат суворий С. Мамбетов.

Р. Ўтамуродов фотоси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИГА БАҒИШЛАНГАН ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

# ЯГОНА ОИЛАДА

Ўзбекистонда ҳар соатда 10 оила ҳовли тўйларини ўтказади. Республикада бир йилда 92,7 минг квартира ишга туширилади —бу 5,8 миллион квадрат метр саҳнли майдон демакдир.

* * *

Ўзбекистон электростанциялари ҳар соатда 4 миллион киловатт-соатдан знёд энергия ишлаб чиқаради. 1926 йилда эса ишлаб чиқарилган энергия 5,63 миллион киловат-соатни ташкил этганди. Юбилей йилида республикада 37,4 миллиард киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилади.

* * *

Жаҳонда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг саккиздан бир қисми Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Бу йил бундай тола ишлаб чиқариш 1,8 миллион тоннани ташкил этади.

* * *

Ўзбекистонда суғориладиган ерлар майдони ҳар йили 100 минг гектарга кўпаймоқда. Ирриқ механизациллашган комплекслар янги ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритишда катта роль ўйнамоқда. Улар составига минглаб юксак унумли ер қазийдиган, текислайдиган ва бошқа техника воситалари киради. Бундан 60 йил муқаддам республикада бор-йўғи 39 та «Фордзон» маркали трактор бор эди.

* * *

Ҳозир Ўзбекистонда тўрт минг маданият саройлари ва уйлари бор. Уларда 2 миллиондан ортиқ киши бадиий ҳаваскорлик билан мунтазам равишда шуғулланади. Улар —9200 бадиий ҳаваскорлик коллективларининг, 56 халқ театрларининг иштирокчиларидир.

# КАМОЛОТ ЁШИ

И. Б. УСМОНХУЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Бизнинг Иттифоқимиз — қардош республикалар Иттифоқи ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимиз тарихан қисқа давр мобайнида асрларга тенг йўлни босиб ўтди. Буни айниқса Ўрта Осиё республикалари мисолида ёрқин кўриш мумкин. Улуғ Октябрь бу ўлка халқларига бахт йўлини кўрсатиб берди.

Ўзбек халқи ҳам Совет республикалари мустаҳкам Иттифоқида гуллаб-яшнашнинг мисли кўрилмаган кенг истиқболлари очиб берилганлигини ўз тажрибасида якқол кўрди. Ўзбекистонга ёпасига саводсизлик, ўнлаб касбчилик устахоналари, мудҳиш очарчилик ўтмишдан мерос бўлиб қолганди. Ўша даврнинг буржуа социологлари ўзбек халқи асрий қолоқликдан ҳеч қачон қутула олмайди, деб жар солган эдилар. Бироқ, Коммунистлар партияси, Совет ҳокимияти, ленинча миллий сиёсат, бу «башорат»ларнинг нотўғри эканлигини исботлади.

Ҳозирги Ўзбекистонда деярли икки юз соҳада ишлайдиган 1600 га яқин йирик корхона ва бирлашма мавжуд. Энергетика, металлургия ва машинасозлик, химия ва электроника республика экономикасининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан бери ўтган вақт мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 216 баравар кўпайди. Ҳозирги вақтда революциядан аввалги бутун Россиядагидан 20 баравар кўп электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.

Республикамиз СССРнинг асосий пахта базасидир. Ҳозир у бутун Иттифоқда етиштириладиган пахтанинг учдан икки қисмини етказиб бермоқда. Ўзбекистон ССР ташкил топгандан бери ўтган йиллар мобайнида «оқ олтин» етиштириш 30 баравар кўпайганлиги деҳқонларимиз қанчалар мардонавор меҳнат қилаётганликларидан далолат бериб турибди.

Республикамиз пахта ҳосилдорлиги бўйича дунёда олдинга ўтганлардан бирини эгаллайди. У ҳар йили 6 миллион тоннадан зиёд пахта етиштирмоқда. Бу «оқ олтин» етиштиришни кўпайтириш имкониятлари катта эканлигидан далолат беради. Бизда бунинг учун резервлар боғ. Қарши, Жиззах ва Сурхон-Шеробод ўлларини ўзлаштиришимиз, деҳқончилик маданиятини юксалтиришимиз, техникадан самарали фойдаланишимиз керак.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги кўп тармоқлидир. Дон, сабзавот, полиз экинлари, мева ва узум, пилла ва қорақўл тери, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш, кишилар фаровонлигини яхшилашга қўшилган салмоқли ҳиссадир. Шуниси қувончлики, ўзбек халқининг Умумиттифоқ фондига қўшаётган ҳиссаси йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

ССР Иттифоқи составида ўтган шонли 60 йил мобайнида республика ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди. Халқимизнинг ўзига хос маданияти гуллаб-яшнади. Совет ҳокимияти Ўзбекистонга қисқа вақт ичида чинакам маданий революция қилиш имконини берди.

Ҳамма нарсани янгидан бошлашга тўғри келди. Ҳозир республикада 43 та олий ўқув юрти, 230 га яқин ўрта махсус билим юрти мавжуд бўлиб, мактабларда 4 миллион ўқувчи таълим олмоқда. Бизда ҳар 10 минг киши ҳисобига 172 нафар студент тўғри келади. Бу кўпгина ривожланган капиталистик мамлакатлардаги кўрсаткичдан анча юқоридир. Республика Фанлар академияси, юзлаб илмий-тадқиқот институтлари самарали ишламоқда.

Паранжини ташлаб, янги жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолган ўзбек хотин-қизларини озодликка чиқариш социализм қўлга киритган буюк ғалабалардан бири бўлди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ташкил этилиши миллий ўлкаларни ривожлантиришда янги босқич бўлди. **«Миллатлар ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун ғоят қисқа муддатларда шу қадар кўп ишлар қилган, барча халқларимизнинг социалистик Ватани СССР каби давлат тарихда ҳеч қачон бўлган эмас,** —дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида. **—Халқларимизнинг бирлиги индустриалаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революция даврида, социализм қурилиши учун курашда чиниқиб мустаҳкамланди».**

Совет Шарқи халқлари ягона Иттифоққа бирлашиш, қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳар бир миллат имкониятларини кўпайтиришга, социал-иқтисодий ривожланишни тезлаштиришга ишонч ҳосил қилдилар. Шарқда қуш қудрати унинг қанотларида, инсон қудрати эса дўстликдадир, деб бежиз айтилмайди.

Совет Россияси биринчи кунлардан бошлабоқ Ўзбекистонга дўстона ёрдам қўлини чўзди. Туркистондаги ирригация системаларини тиклашга катта маблағлар ажратилди. Мамлакатнинг марказий районлари ишчи-деҳқонлари ўзбек қардошларига уруғлар, дон, мануфактура, абоб-ускуналар юкланган ўнлаб эшелонларни жўнатдилар. Улар халқ орасида дўстлик эшелонлари деб ном олди.

Москвадан, Урал шаҳарларидан, бошқа саноат марказларидан чўян ва пўлат, станоклар ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари келтирилди. Ленинград ва Иваново тўқимачилари ўзбек пахтакорларини оталиққа олдилар. «Минглар шартномаси» деб ном олган ажойиб ҳаракат ўша олис 30-йиллардаёқ пайдо бўлган эди. Рус тўқимачилари ва ўзбек деҳқонлари ўртасидаги дўстлик тобланди ва мустаҳкамланди.

Қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари умумий мақсадларимиз йўлида тобора бойиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Шуниси қувончлики, ўзбек қурувчилари ва медвоператорлари қозирги кунда Россия Федерациясининг Нўкоратупроқ районларини ўзлаштиришда ёрдам беряптилар. БАМ қурилишида катнашяптилар. Бу ўринда рус биродарларимиз ҳам Мирзачўлни ўзлаштиришда ёрдам бергانларини эслатиб ўтиш керак. Ўрток Л. И. Брежнев республикага учинчи Ленин орденини топшириш муносабати билан Тошкентда бўлиб ўтган тантаналарда бундай деган эди: «Бугунги Ўзбекистоннинг бутун белоён мамлакатимиз иқтисоди ва маданий турмушига, совет халқлари дўстлигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси жуда катта. Масалан, сизларнинг Нўкоратупроқ ўлкани ривожлантириш комплекс программасини амалга оширишдаги актив иштирокингизни КПСС Марказий Комитети юксак баҳолайди.

Ўртоқлар, бу —амалдаги интернационализм кўринишининг яхши намунасидир».

Мамлакатимизнинг бошқа қардош республикалари билан кундалик алоқаларимиз ана шундай мустаҳкамдир. Ҳар қандай катта ишни биргаликда амалга ошириш бизнинг, совет турмуш тарзимизнинг ажралмас нормаси бўлиб қолди. Ўзбекистон ва Тожикистон меҳнаткашлари Катта Фарғона каналини қўлни қўлга бериб бунёд этдилар ва Вахш водийсини елкама-елка туриб ўзлаштирдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Совет кишиларининг интернационал қардошлик кучи 1966 йили зилзиладан зарар кўрган Тошкентни қайта тиклаш даврида ёрқин намоён бўлди. Тошкентни тиклашда деярли бутун мамлакат қатнашди. Эндиликда Тошкент эртакларда йўқ гўзал, қайта туғилган ва яшарган шаҳарга айланди. У бизнинг энг катта дўстлигимиз —халқларимиз ўртасидаги ленинча дўстликни ўзида мужассамлаштирган улуғвор монумент сифатида умрбод қад кўтариб туради.

Республика қўлга киритаётган барча муваффақиятларда халқ депутатлари Советларининг роли каттадир. Омманинг бутун ҳаракатини бир мақсадга қаратиб ва йўналтириб, халқ ҳокимияти органлари партия ташкилотлари раҳбарлигида катта хўжалик-ташкилий ва маданий-тарбиявий ишларни олиб боряптилар. Советларнинг кўп қиррали фаолияти республикани социал-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришдек асосий вазифани амалга оширишга қаратилмоқда.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари истиқболни кўзлаб, янги марраларни белгилар эканлар, Леонид Ильич Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда берган кўрсатмаларини қайта-қайта эслайдилар. Улар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми белгилаб берган вазифаларни, беш йиллик планлари ва тоширикларини муваффақиятли бажариш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

● Баҳри опа билан Шоаҳмад Шомаҳмудовлар совет турмуш тарзининг инсонпарварлигини бутун дунёга намойиш қилган қалби қўёш кишилардир. Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида улар 16 болани ўз тарбиясига олиб нури-дийдалари каби меҳр билан вояга етказдилар. Ўзбек, татар, чуваш, яҳудий ва молдаван миллатидан бўлган бу кичкинтойлар уруш туфайли ота-онаси ва бошпанасидан жудо бўлган эдилар. Ўзбек тили улар учун иккинчи она тилига айланди. Баҳри опа билан Шоаҳмад ака эса чинакам ота-онаси бўлиб қолдилар. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги майдонида Шомаҳмудовлар оиласи шарафига композицион скульптура ўрнатилган.

● Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Абдусамад Тиллабоев ҳосил чўғидан мамнун.

А. Горокрик ва Р. Ашуров фотолари. (ТАСС фотохроникаси).



● Қадимий Хивадаги Ичанқалъа архитектура ёдгорлиги.
К. Отаев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

# БАРХАНЛАР САХОВАТИ

Хоразм воҳасидаги Ал-Хоразмий номли совхоз шолипоялари ғоят серҳосил. Ҳар гектардан 78 центнердан «қирмизи дон» йиғиб олинмоқда.

Совхоз директори Николай Васильевич Ким Амударё этакларидаги қум барханларида мўл шоли етиштириш технологиясини ишлаб чиққан ва амалга оширган фидокорлардан бири. Мутахассислар, маҳаллий деҳқонлар билан ҳамкорликда у бир қанча янгиликларни амалда жорий қилди. Ҳозир Қорақумнинг шимолий қисмида еттита ихтисослашган шоличилик совхози тузилиб, бу хўжаликларнинг ҳаммаси давлатга мўл-кўл шоли етказиб бермоқда.

Хўжаликда ишлар кўп бўлишига қарамай, Николай Васильевич деярли ҳар куни шолипояларга келишни канда қилмайди. Ўсимликларнинг бўйини, бошоқларнинг бўлиқлигини ўлчаб кўради. Паст-баланд шолипояларга сув қанчалик тўлдирилганлиги билан қизиқади. Бу ерда яна бир тажриба синаб кўрилмоқда. Чучук сув таниқислиги туфайли директорнинг таклифи билан баъзи майдонларга шўр сув аралаштириб экин суғорила бошланди. Илгари бу сув зовурларга ташлаб қўйиларди. Бундай тажрибага ҳамма ҳам қўл ура бермайди. Чучук сув таниқислиги бундай ишга дадил киришишни тақозо қилди.

Натижа тезда кўрина бошлади. Чучук ва шўр сув аралаштириб суғорилган поллардаги экинлар ҳатто тезроқ ўса бошлади. Совхозда эса барханлар бағридан узиб олиб ўзлаштирилган ерлар 5 минг гектарга етди. Демак хўжалик Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга оширишга ўзининг муносиб улушини қўшмоқда.

Ал-Хоразмий номли совхоз шолипояларига қўшни хўжаликлардан қўплаб мутахассислар келиб, тажриба ўрганишади. Ҳа, бу ерда ўрганса арзийдиган тажрибалар кўп. Хўжаликда биронбир янгиликка жазм қилинса, у албатта ишлаб чиқаришга жорий этилади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Васильевич Ким бошчилигидаги шоликорлар тажрибаси бошқа республика хўжаликларида ҳам ўрганишга ва ҳаётга татбиқ қилишга моликдир.

Ю. ИБРОҲИМОВ.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

# ҲАР БИР КУНГА— ЗАРБДОР ЯКУН

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамиз меҳнаткашларига дон, сабзавот, картошка, ҳўл мева, узум ва полиз экинлари маҳсулотларини давлатга сотиш плани бажарилганлиги муносабати билан йўллаган табриги пахтакорларнинг ҳам ғайратини ошириб юборди.

28 октябргача республикамиз «оқ олтин» хирмонининг салмоғи 4.875.168 тоннага етди. Шу жумладан 381.180 тонна ипак пахта тайёрланди. Мавсум бошидан буён агрегатлар бункеридан 2.583.319 тонна хом ашё бўшатилди. Бир кунда 43.670 тонна, шу жумладан 5.095 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

**УРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ТАБРИГИДАН ИЛҲОМЛАНИБ, РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИНИНГ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН ПАХТА ИИГИМ ТЕРИМИ СУРЪАТЛАРИНИ КУЧАТИРАЙЛИК. СССРНИНГ 60 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИБ, ВАТАНГА КАМИДА 6 МИЛЛИОН ТОННА «ОҚ ОЛТИН» АРМУҒОН ЭТИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ САФАРБАР ЭТАЙЛИК.**

## Наманган

Наманган области меҳнаткашлари ингичка толали пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар. Улар давлатга 6.005 тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта топширидилар. Ипак пахта йиғимтерими давом этмоқда.

## Сирдарё

**Оқолтин ва Ворошилов районларининг механизаторлари машинада пахта теришда йиллик планини уддаладилар.**

**Оқолтинлик механизаторлар агрегатлар бункеридан 61.600 тонна дурдона бўшатдилар ва ҳар бир машина ёрдамида 90 тоннадан хом ашё териб олдилар.** Эришилган меҳнат ғалабасига «Фарғона», «Андижон», Р. Мусамуҳамедов номли совхозлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларда ҳосилнинг 93,96 процента машиналар ёрдамида териб олинди. Район механизаторлари ҳар бир агрегатнинг мавсумдаги иш унумини 100 тоннага етказишга қарор қилдилар.

**Ворошилов районида «зангори кема»лар ёрдамида 35.200 тонна пахта териб олинди.** Бу ерда ҳар бир агрегат ҳисобига 96 тоннадан пахта тўғри келди. «Гулистон» совхози механизатори, Ленин ордени кавалери Султон Қоражонов ўз агрегати бункеридан 430 тонна «оқ олтин» бўшатиб, дала гвардиячилари мусобақасининг пешқадами бўлди. Ворошиловлик механизаторлар ҳар бир агрегатнинг мавсумдаги иш унумини 110 тоннага етказишга аҳд қилдилар.

## Сурхондарё

Гагарин районидаги **«Партия XXIV съезди»** совхози давлатга пахта топшириш йиллик планини бажарди. Совхоз деҳқонлари тайёрлов пунктларига 11.150 тонна «оқ олтин», шу жумладан 7.571 тонна ипак пахта топширидилар. Ялпи ҳосилнинг 80 процента машиналар ёрдамида саранжом-саришталанди. Коллектив ялпи ҳосилни 13 минг тоннага етказишга ва ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган. Бу хўжалик давлатга 4.810 тонна ипак пахта топшириб, йиллик планни бажарди. Ҳосилдорлик гектарига 33,8 центнерни ташкил этди. Колхоз азаматлари юбилей йили хирмонини 6 минг тоннага етказишга бел боғладилар.

## Қашқадарё

Косон районидаги қўриқ «Гулбоғ» совхози меҳнаткашлари давлатга пахта топшириш йиллик планини уддаладилар. Гулбоғликлар тайёрлов пунктига 2 минг тонна хом ашё топширидилар. Ана шунинг минг тоннаси ингичка толали пахтадир.

**Леонид Ильич Брежневнинг республика деҳқонларига йўллаган табриги коллективнинг меҳнат ғайратини янада ошириб юборди.** Хўжалик азаматлари ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб яна минг тонна «оқ олтин» тайёрлашга қарор қилдилар.

## ҚҚАССР

Автоном республиканинг пешқадам районларидан бири— Тўрткўл районида терим техникаси юксак унум билан ишлатилаётир. Бу ерда барча машиналар 40 терим-транспорт отрядига бирлаштирилган. Ҳар бир агрегатнинг мавсумий иш унуми ҳозирдаёқ 140 тоннага етказилди. Механизаторлар мажбуриятини қабул қилди.

Жарқўрғон районидаги **«Социализм»** колхози ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган. Бу хўжалик давлатга 4.810 тонна ипак пахта топшириб, йиллик планни бажарди. Ҳосилдорлик гектарига 33,8 центнерни ташкил этди. Колхоз азаматлари юбилей йили хирмонини 6 минг тоннага етказишга бел боғладилар.

## Хоразм

**Қўшкўпир районидаги Киров номли ва Хива районидаги «Хива» колхозларининг деҳқонлари йиллик планларини уддаладилар.** Бу хўжаликларда ҳосилдорлик гектар бошига 39 центнерни ташкил этди. Деҳқонлар ҳосилдорликни 43 центнерга етказишга қарор қилдилар.

## Андижон

**Областда яна етти бригада пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Эндиликда область бўйича 134 бригада социалистик мажбурият ҳисобига хом ашё топширмоқда.**

Марҳамат ва Бўз районлари теримда юқори суръат бўлишини таъминламоқдалар. Бу районларда ҳар бир теримчи ҳисобига кунига тегишли равишда 40 ва 37 килограммдан пахта тўғри келади.

## Бухоро

**Ҳозир область бўйича уч район, 37 колхоз, уч совхоз, 14 бўлим ва 727 бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.**

Қорақўл районидаги «Коммунизм» колхозида йиллик план бажарилди. Колхоз заршунослари давлатга 3.500 тонна «оқ олтин» топширидилар. Хўжалик деҳқонлари ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга сўз бердилар.

Олот районидаги «Оқ олтин» колхозининг Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Рўзигул Ҳазратова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси комсомол туғилган куни меҳнат совғаси билан қутиб олмоқда. Ёш деҳқонлар 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтардилар.

## Фарғона

**Областда икки колхоз, бир совхоз, бир бўлим, 167 бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.** Фарғона районидаги «Фарғона» совхози меҳнаткашлари ҳам ана шу ғолиблар сафидан жой олди. Улар давлатга 1.200 тонна дурдона топширидилар. Яна 700 тонна хом ашё тайёрлаш мажбуриятни қабул қилинди.

## Самарқанд

Областда яна икки хўжалик пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Пастдарғом районидаги «Комсомол» колхозида 708 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Ялпи хирмон 2.300 тоннани ташкил этди. Колхоз деҳқонлари яна 1.200 тонна хом ашё тайёрлашга сўз бердилар.

Оқдарё районидаги «Партия XXII съезди» колхози заршунослари эса эл хирмонига 2.865 тонна «оқ олтин» топширидилар. Коллектив ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилди.

## Навоий

Қизилтепа районидаги «Ёш ленинчи» колхози меҳнаткашлари йиллик маррага етиб келдилар. Улар эл хирмонига 2.850 тонна пахта топширидилар. Ана шунинг 1.810 тоннаси агрегатлар ёрдамида териб олинди. Ғайбулла Тўлаев, Ота Азизов, Содиқ Зайниев, Раҳим Ҳосилов бошлиқ пешқадам бригадаларда ҳосилдорлик гектарига 40—60 центнерни ташкил этди.

## Тошкент

Ўрта Чирчиқ районидаги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқув-тажриба хўжалиги социалистик мажбуриятни бажарди. Хўжалик тайёрлов пунктларига пландаги 3.400 тонна ўрнига 3.866 тонна хом ашё топшириди. Ана шунинг 3.100 тоннаси ёки ялпи ҳосилнинг 91 процента машиналар ёрдамида териб олинди.

Бекобод районидаги «Ленинград» совхозининг Маҳмуд Мустафоев бошлиқ бўлимида пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилди. Бўлим деҳқонлари эл хирмонига 610 тонна дурдона етказиб бердилар.

### БУГУН—ЛЕНИН КОМСОМОЛИ ТУҒИЛГАН КУН

# ЖАНГОВАР ЎРИНБОСАРЛАР

Ҳар йили 29 октябрь Ленин комсомоли туғилган кун сифатида кенг нишонланади. Партиянинг резерви ва содиқ ёрдамчиси деган номга яраша меҳнат қилаётган ёшлар ўзларига билдирилган юксак ишончни доимо оқлашмоқдалар. Мамлакатимизда, хусусан серқуёш республикамизда амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишларида уларнинг муносиб ҳиссаси бор. Партия ва ҳукуматимиз ёшларнинг камоли ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб, жасоратли меҳнатларига юксак баҳо бермоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, янги меҳнат ютуқларн сари илҳомлантириб бормоқда.

**«Комсомол—катта куч деб кўп ва тўғри гапирамиз, —** деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев. — **Шу билан бир вақтда биз комсомолнинг кучи аввало партиявий раҳбарликда, бизнинг доимий диққат ва эътибор бериб туришимизда, комсомолни қувватлаб, унга ғамхўрлик қилишимизда экандлигини ҳеч қачон, ҳеч бир ҳолатда унутишга ҳаққимиз йўқ».**

Мазкурнинг билан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон комсомоли ҳам ҳар доим, ҳар қадамда жонажон партиямизнинг доимий ғамхўрлигини чуқур ҳис қилмоқда. Ўз навбатида комсомол-ёшларимиз ҳам ўзларининг садоқатлари, миннатдорчиликларини амалда изҳор этиб, зўр омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Комсомол-ёшлар и м и з СССРнинг Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажарилишига муносиб улуш қўшиш мақсадида зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун бепоён пахтазорларда, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларида, чорвачилик фермаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. 1,5 миллиондан ортиқ комсомоллар «Ёшларнинг шижоати, ташаббуси ва ижодкорлиги ўн биринчи беш йиллика!» шиори остида ўтказилаётган социалистик мусобақада фаол иштирок этмоқдалар. Бугунгидай унутилмас кунларда комсомолда тобланиб, қанчадан-қанча ёшларга намуна бўлаётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати С. Мўйдинова, СССР Олий Советининг депутатлари Д. Қулматова, Г. Нуруллаева каби меҳнат зарбдорларининг номларини зўр миннатдорчилик билан тилга оламиз. Уларнинг ҳаёт фаолияти халқ ва партия ишига садоқат руҳи билан суғорилгандир.

Ўзбекистон комсомоли тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган яна бир қувончли воқеа бор. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бу йил бошида республика ёш маккажўхоригорларига мактаб йўллади. Бу ҳар бир комсомол аъзосига оламмолам қувонч, завқ-шавқ бағишлади. Улар ўртоқ Л. И. Брежневнинг қўрсатмаларига асосан маккажўхоричиликни янада ривожлантиришга бел боғладилар.

...1973 йилда серқуёш диёр йигит-қизлари Ватанга 326,6 минг тонна маккажўхори донн тортиқ қилган эдилар. Ана шундан бошлаб бу соҳани давр талаби даражасида ривожлантиришга қаратилган конкрет тадбирлар изчил амалга оширила бошланди. Партия ва ҳукуматимизнинг яқиндан берган ёрдами туфайли ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида республика бўйича 1,529 минг тонна «каҳрабо дон» етказиб берилди. Юбилей йилида эса биринчи марта бу кўрсаткични 2 миллион тоннага етказишга муваффақ бўлинди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, бу қувончли натижага асосликча эришилгани йўқ. Ёш маккажўхорикорлар, коммунистлар, тажрибакорлар бошчилигида иш юритиб, табиат инжиқликларини мардонавор енгдилар. Жойлардаги комсомол ташкилотлари амалга оширган катта ташкилотчилик ишлари туфайли ана шундай қувончли натижага эришилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мўл-кўл «қаҳрабо дон» учун олиб борилган курашда қўпгина ажойиб маккажўхорикорлар вояга етди, уларнинг номлари кўпчиликка танилди. Самарқанд областидан СССР Давлат мукофоти лауреати Д. Қўшоқов, Наманган областидан В. Абдуллаев, Қашқадарё областидан О. Дулапова, Фарғона областидан Х. Муробова, Сурхондарё областидан И. Холмирзаева, Жиззах областидан И. Очилов ўртоқлар шулар жумласидан.

Комсомол туғилган кун арафасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаати эълон қилинди. Республика комсомол-ёшлари ҳам Мурожаатга лаббай деб жавоб бериб бебаҳо бойлигимизни ложи борича тезроқ йиғиштириб олиш ишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдалар. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати бошқалар қаторн ёшларимизин ҳам янада унумлироқ, самаралироқ меҳнат қилишга ундади. Ҳозир улар ким бўлишларидан қатъий назар ўзларини пахтакорлар билан ёнма-ён деб билмоқдалар. Шу боисдан Мурожаатдаги: **«Коммунистлар ва комсомоллар! Биринчи бўлиб пахтакорлар сафида туриш, энг қийин участкаларда пешқадам бўлиш ва одамларни эргаштириб бориш — бизнинг фахрли бурчимиздир»** деган сатрлар комсомолларнинг кундалик шиори бўлмоқда. Қанчадан-қанча шаҳарлик ёшлар бободеҳқонга мададкор бўлмоқдалар. Бунга Навоий шаҳридаги ремонт-механика заводининг Владимир Сичев бошчилигидаги механизациялашган комсомол-ёшлар отряди аъзоларининг ташаббусини мисол қилиб келтириш мумкин. Улар тўрт йилдирки пахта йиғим-теримида иштирок этиб келишмоқда. Отряд ҳисобида 10 та тўрт қаторли пахта териш машинаси, 10 та транспорт трактори, 22 тележка бор. Улар маҳоратларини йил сайин ошириб, иш натижаларини яхшилашга эришмоқдалар. 1979 йилда отряд ёшлари 2 минг тонна пахта теришган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 2300 тоннани ташкил этди. Шу масъулиятли дамларда эса улар дақиқалар қадрига етиб ишлаб, мавсумда камида 3 минг тонна пахта йиғиб бериш учун бутун имкониятларини ишга солмоқдалар.

Комсомол-ёшлар шижоати, ажойиб ташаббуси ҳақида гапирганда меҳнат отпускаларини пахтазорларда ўтказаётган азаматлар фаолияти хусусида ҳам алоҳида тўхталиш даркор. Мана қатор йиллардан буён Чироқчи районидаги «Коммуна» колхози комсомол комитетининг секретари Абдулла Чоршанбнев меҳнат отпускасида «зангори кема» рулини бошқариб, эл-юрт олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Унинг шу кунгача «пўлат этак»дан бўшатган пахтаси 300 тоннадан ошиб кетди. Нияти мавсумда машинада камида 360 тонна пахта териш.

Гагарин районидаги «Партия XXII съезди» совхозининг Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ҳайдар Сафаров етакчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари эришаётган натижалар, ҳам барчани қувонтирмоқда. Бу меҳнатсевар коллектив юбилей йилида масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда иш юритиб, ҳар гектар ердан 120 центнердан «каҳрабо дон» йиғиштириб олди, давлатга 3 тоннадан ортиқ ғўшт топширди. Ҳозирда эса улар мусобақани қизитиб 60 центнерлик маррани эгаллаш арафасида турибдилар. Ҳосилнинг асосий қисми ингичка толали пахтадир. Юбилей йилида зарбдорларга меҳнат қилаётган бундай ташаббускор, фидойи ёшлар ҳар бир коллективда топилади.

Эришилаётган муваффақиятларда кўп сонли агитаторлар, пропагандистларнинг ҳам муносиб улуши бор. Область партия комитетларининг ёш олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари, партия ва комсомол ветеранларидан иборат агитбригадалари пахтакорлар, чорвадорлар, қурувчилар ҳузурида бўлиб, қизиқарли ва таъсирли чиқишлар билан барчани янги меҳнат зафарлари сари илҳомлантириб бормоқдалар. Тарғиботчи ва ташвиқотчилар пахтакорлар ўртасида партия ва ҳукуматимиз Мурожаатини кенг тушунтирмоқдалар. Ишнинг муваффақиятини идеологик жиҳатдан таъминлашга муносиб улуш қўшмоқдалар.

Характерлиси шуки, Ўзбекистон ёшлари БАМ ва Ноқоратупроқ ўлкада, «Россельмаш» ва «Атоммаш»да шунингдек, Жиззах даштини ўзлаштиришда ҳам фидойилик кўрсатмоқдалар. Уларнинг халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишга қўшаётган ҳиссалари ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўзбекистон комсомол ташкилоти томонидан ёшларнинг комсомол зарбдор қурилишларига жамоат даъватини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида ҳам ифодасини топган.

Биз эринган натижаларни таъкидлар эканмиз ҳали ишимизда қатор камчиликлар ҳам борлигини яхши биламиз. Баъзи комсомол ташкилотлари ишни намунали ташкил этиб, зиммадаги план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга барчани бирдек сафарбар этолмаяптилар. Шубҳа йўқки, биз партия ташкилотлари бошчилигида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ёшларни меҳнатга муҳаббат, Ватанга садоқат ва пролетар интернационализми ғояларига юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида бутун куч, билим ва маҳоратимизни ишга солаверамиз.

**Б. ДАУЛАНОВ,**
**Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари.**

**Поп районидаги Ленин номли аграр-саноат бирлашмасининг «Тошкент» совхози сут-товар фермаси коллективи бу йил давлатга 1 минг тоннадан ортиқ сут етказиб бериш учун курашмоқда.**

**Ушбу суратда ферманинг илғор сут соғувчиларидан Венера Илёсова (чапдан) Ҳабиба Валиева ва Мовлуда Жумановаларни кўриб турибсиз. Улар юбилей йилида 105 тоннадан сут соғиш мажбуриятини олишган. Ҳозиргача бу пешқадамларнинг ҳар бири соғиб олган сут 80 тоннадан ошди.**

**Ҳ. Ҳайдаров** фотоси. (ЎзТАГ).

## ЁШЛИК ТЎЛҚИНЛАРИ

— Қани сўзла, жавоб бер, ёшлик,
Сени бугун излайин қайдан!
— Йўли порлоқ, баҳри қуёшли,
Иқбол кулган энг юксак жойдан.
— Излаб бордим мен ўша ерга,
Шамолингни кўрсатгин, қани!
— Йўл олгандим саҳро, даштқирга,
Унинг асрий доғин ювгани,
— Фарғонадан сени мен қўмсаб,
Ёзёвонга дадил йўл олдим.
— Мен у ердан баҳорни кўзлаб,
Мирзачўлга ташладим одим.
— Сен яратган нурли бўстонин
Сайр қилдим. Кўрсатмадинг юз!
— Кўлга олиб комбинезонимни
Чорвоқ ГЭСга кетгандим шу кез.
— Нурхонага бордим йўлингдан,
Тополмадим, яна сўроқлаб!
— Тутмоқ бўлсанг агар қўлимдан,
Олов бўлиб сафга кир чақнаб.
— Сир бўйига талпиниб боқдим
Ширин юрган йўлларда сен деб.
— Фарҳод ГЭСда машъал ёқдим
Сув ва нурнинг ишқида ёниб.
— Бекободдан ахтардим сени,
Ширинда ҳам топмадим гўё.
— Тошкин Аму бўлиб мафтуни
Изга соядим мен уни, аммо.
— Кўлга олиб дарё жиловин
Қарши дашти томон йўл олдим.
— Сочай дея юрак қўримни
Шерободга кетган тан, жоним.
— Изларингда баҳорни кўрдим.
Муборакдан сени изладим.
— Жиззахда ҳам бир чаман қурдик,
Чўллар қувиб, мени излагин.
— Оромингни йўқотиб, тенгдош
Бунда вафо бўлиб қолиб сен!
— Яратувчи, ёнувчи қалбсан,
Мадкимни сен куйга солибсан!
— Сен ҳамиша шиддаткор, чақин
Сенга ёрдир шижоат, вафо.
— Майли, жўшиб куйла, қўшиғим,
Дорвиқларим тингласин дунё.
— Баҳор бўлсин мангуга олам,
Бахт улашиб юравер мудом.
Камол топсин коммунист — одам,
Тўлқинларда сузавер тамом!...

Ашурали АҲМЕДОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

## ҒЎЗАПОЯДАН...

### МАШИНА

**Шундай бўлиши мумкинми? «Ҳа, эртанги кунда бўлиши мумкин, биринчи умидли натижалар олинди...», — дейди ғўзапоядан янги пресс-материал ҳосил қилган Тошкент политехника институтининг олимлари.**

**Тадқиқотчиларнинг рецептига мувофиқ, ғўзапоядан терим машиналари учун қайиш узатманинг тортувчи роликлари ва шкивлари ясалди. Бу деталлар лаборатория ва дала шароитларида синовдан яхши ўтди, ҳамма энг қаттиқ зўриқишларга бардош берди ва чўян деталларга нисбатан анча пухта бўлиб чиқди. Бундай ролик ва шкивларнинг тортиш хususияти анча ортди. Улар коррозияга бардош беради, кўпга чидайди, одатдаги ролик ва шкивларга нисбатан икки баравар арзонга тушади ва 5 баравар енгил.**

**Ғўзапоядан машина тайёрлаш технологияси содда. Поя қуритилади ва майдаланади, сўнгра туйилади. Туйилган моддани бир-бири билан боғлаш учун махсус смола ишлатилади ва жуда яхши композицион материал ҳосил қилинади.**

**Янги материалнинг бошқа хил ижобий томонлари ҳам бор. У маҳсулот тайёрлаш вақтини анча қисқартиради, меҳнат сарфини олти баравар камайтиради, уни ясайдиган кески асбоб камроқ ишлайди, деталь ишлаб чиқариш нархи арзонлашади, уни ишлатиш яхшиланади. 1 тонна шундай пресс-материали ишлатиш саноатга 10 тонна чамаси металли тежаши, машинанинг конструкцияси енгиллаш иши ҳисоблаб чиқилди.**

**Республиканинг асосий экини — ғўза халқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳасида қўлланилади. Бугунги кунда ундан юздан кўп ҳар хил маҳсулот олинмоқда. Тола ва мой, ем ва органик кислота, дори-дармон ва экин ўстирувчи стимуляторлар шулар жумласиндир. Эндиликда ғўзанинг мана шу касблари қаторига яна биттасини—машинасозликни қўшиш мумкин.**

(ЎзТАГ).

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

### СССР ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШНИНГ ҚАТЪИЙ ТАРАФДОРИ

КОБУЛ. Совет Иттифоқининг БМТ Бош Ассамблеяси XXXVII сессиясида илгари сурган тинчлик ташаббуслари ядровий қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган ва бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш иши учун қулай замин бўлиб хизмат қилади, деб ёзади Бахтар агентлиги. Совет ташаббуслари, деб давом этади агентлик, жумладан КПСС Марказий Комитети Бош Секретари, СССР Олий Совет Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг БМТ Бош ассамблеясининг қуролсизланиш масалаларига бағишланган иккинчи махсус сессиясига йўллаган мактуби Совет Иттифоқи ер юзида тинчликни сақлаб қолишнинг қатъий тарафдори эканлигига инсониятни яна бир марта қатъий ишонтиради. Бу мактубда Совет Иттифоқининг ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик ҳақидаги мажбурияти баён этилган. Совет Иттифоқининг ўз вақтида қилинган конструктив таклифи тинчлик ва социал тараққиёт ишига, халқаро вазиятни соғломлаштиришга хизмат қилади, деб таъкидлайди агентлик.

### БУТУН ИНСОНИЯТ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ТОКИО. Японияннг машҳур олими Нагасакидаги бирлашган илмий тадқиқот институти ҳузуридаги тинчлик ва маданият илмий-тадқиқот маркази директори Канэсабуро Гусима бундай деди: Совет Итифоқи тинчликни таъминлашга, янги урушнинг олдини олишга қаратилган бир қанча муҳим амалий таклифларни илгари сурди. Совет Иттифоқининг биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида бир томонлама тарзда олган мажбурияти мана шундай амалий таклифлардан биридир.

Совет Иттифоқининг «Ядро қуролини синаб кўришни дарҳол тўхтатиш ва такиллаш тўғрисида»ги ташаббуси ҳам ниҳоятда баҳога сазовордир. Совет Иттифоқининг космик фазода ҳар қандай қуролни жойлаштиришни таъқиқлаш тўғрисида шартнома тузиш тўғрисидаги таклифи ҳам гоят ўз вақтида қилинган таклифдир. Космосдан фақат тинч мақсадларда фойдаланиш керак. Бутун инсониятнинг манфаатлари шуни талаб қилади, деди К. Гусима.

(ТАСС).

### АҚШ ЯДРО УРУШИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

БОННН. Германия социал-демократлар партиясининг таниқли арбоби Эрхард Эплер АҚШга бориб келгандан кейин «Парламентариш — политишер пресс— сендист» матбуот бюллетени мухбири билан қилган суҳбатида Рейган маъмурияти ядро урушини мумкин бўлган иш деб ҳисоблаб, унга очиқдан-очиқ тайёргарлик кўрмоқда, деб айтди. Эрхард Эплер Қўшма Штатларнинг 1983 йилги бюджетидан келтирилган мисолларга асосланди. Мазкур ҳужжатда Вашингтоннинг «оддий ва ядро қуроли ёрдамида уруш олиб боришга» тайёр эканлиги ҳақида ёзилган шу сўзлар мени айниқса ҳаяжонга солди, деди Эплер.

Хуллас, бу —ядро урушини муваффақият билан олиб бориш мумкинлиги ҳуснисида АҚШнинг қилган биринчи расмий баёнотидир, деди у. Бу баёнотнинг Европага ва аввало ГФРга, тинчлик проблемаси тўғрисидаги мунозарага қандай таъсир қилишини ва эҳтимолки ҳатто шу мунозаранинг бутун боришини ўзгартириши мумкинлигини кўз олдимга келтираман.

Эплер Лотин Америкасидаги аҳволга тўхталиб, Рейган ҳокимиятни қўлга олгандан кейин АҚШ ҳамма соҳаларда Никарагуага нисбатан ўз тазйиқини кучайтирганлигини уктириб ўтди.

(ТАСС).

### ФАЛАСТИН АҲОЛИСИНИНГ ҚЎЗҒОЛОНИ

БАЙРУТ. Ғарбий соҳилдаги кўпчилик катта шаҳарларда Фаластин аҳолиси ўртасида қўзғолон бошланди. Бу ерда олинаётган хабарларга қараганда Рамаллах, Ал-Бир, Байт-Лахмада намойишлар бўлиб ўтган. Студентлар Фаластин Озодлик ташкилотини қўллаб-қувватловчи шиорларни баланд овоз билан такрорлаб турганлар, Фаластин миллий байроғини кўтариб чиққанлар. Баъзи жойларда намойишчилар билан Исроилнинг хавфсизлик кучлари ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтган. Шу воқеаларнинг гувоҳи бўлган кишилар намойишчиларни тарқатиб юборишда Исроилнинг ҳарбийлашган манзилгоҳлари колонистлари ҳам иштирок этганлар. Улар ўқ узиш қуроллари ва кўздан ёш оқизувчи газ ишлатганлар.

Ғарбий соҳилдаги таниклн Фаластин арбобларидан бири Б. Шакаанинг 15 яшар ўғлини ушлаб олиб, қамоққа жўнатганлар. Б. Шакаа шу йил баҳорида оккупациячи маъмурлар томонидан Наблус шаҳри бошлиғи лавозимидан қонунга зиддо равишда олиб ташланган эди. Б. Шакаа ўз фарзандининг қамоққа олинишига қатъий норозилик билдирди. Бу ҳаракатга ўз оиласининг ҳамон куввин қилинаётганлигининг давоми, деб баҳо берди.

### БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

БОННН. (ТАСС мухбири). Ҳукумат кабинетининг Боннда бўлиб ўтган мажлисида ГФРнинг 1983 йилги давлат бюджети лойиҳаси қабул қилинди. Расмий равишда хабар қилиниишича, бюджет харажат қисмининг умумий ҳажми қариб 254 миллиард маркани ташкил этади, ГФРнинг давлат қарзи миқдори унинг бутун тарихи мобайнида рекорд даражага —41,5 миллиард маркагача кўпаяди.

Янги бюджетнинг лойиҳаси мамлакатнинг иқтисодий аҳволи кескин мураккаблашган бир вазиятда ишлаб чиқилди. Ҳатто расмий прогнозларга қараганда ҳам келгуси йил оммавий ишсизлик даражаси 2,35 миллион кишига етади. ГФР етакчи экономика илмий-тадқиқот институтларининг маълумотларига қараганда 1983 йилда мамлакатдаги саноат ишлаб чиқариши амалда бир жойда дебсиниб туради. Шу йилнинг ўзидаёқ ялпи миллий маҳсулот ҳажми 1981 йилга нисбатан 1 процент камаяди.

ГФР ҳукуматининг расмий вакили Д. Штольце Боннда ўтказилган матбуот конференциясида ҳукумат аъзолари 1983 йилги давлат бюджетини ишлаб чиқиш чоғида жами 5,6 миллиард марка маблағни тежаш зарурлигига асосланганликларини айтди. Аммо бундай «Тежаш» асосан бюджетнинг соғлиқни сақлаш, маориф, уй-жой қурилиши эҳтиёжларига, кўп болали оналарга бериладиган нафақаларга, пенсия таъминотига ва шу кабиларга сарфланадиган маблағларни ўз ичига олган моддаларига таалуқли бўлади.

Айни вақтда тарқиб топган «анъана»га кўра, ҳарбий маҳкаманинг бюджети энг катта бюджетларнинг бири бўлиб қолмоқда, яъни у 46 миллиард маркани ташкил этади. 1982 йилга нисбатан мудофаага қилинадиган харажатлар ҳатто ўша «тежашн» ҳисобга олганда ҳам 4,4 процент ортади. Аслида аввалги тенденция ўзгартирилгани йўқ: НАТОнинг милитаристик доктриналарига мувофиқ ҳарбий мақсадларга ажратиладиган маблағлар муттасил кўпайтириб борилмоқда.

### ТЕЛЬ-АВИВ ТИНЧЛИККА ТАҲДИД СОЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Араб давлатлари Тель-Авивнинг агрессив босқинчилик сиёсатини қатъиян қоралямоқдалар. Тель-Авив Яқин Шарқдагина эмас, шу билан бирга бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилмоқда. Араб давлатлари Исроил қўшинлари Ливиядан ва босиб олинган араб территорияларидан дарҳол олиб чиқиб кетилишини, Фаластин халқининг қонуний ҳуқуқлари, шу жумладан ўз давлатини барпо этиш ҳуқуқи эътироф этилишини талаб қилмоқдалар.

Ливиянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Али Трейки бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган бир группа араб мамлакатлари номидан сўзга чиқиб, ана шуларни айтди. У Исроил халқаро майдонда йил сайин тобора якланиб қолаётганлигини ва Фаластин халқининг адолатли курашини қўллаб-қувватлаётган давлатлар сони ортиб бораётганлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Шу муносабат билан Али Трейки 43 та қўшилмаган ва Социалистик мамлакатлар вакилларининг БМТ Бош ассамблеяси XXXVII сессияси рансига йўллаган мактуби тўғрисида эслатди. Ҳужжатда Исроил делегациясининг ушбу сессиядаги ваколатлари хусусида писандалар билдирилади. Араб мамлакатлари, деб таъкидлади Ливия вакили, шу масала юзасидан ягона позицияни эгаллаб турибди. Иркчи Исроил давлати БМТ қарорларини ва халқаро жамоатчиликнинг талабларини аввалгидек назар-писанд қилавермаган тақдирда араб давлатлари мазкур масалани келгусида жаҳон миллатлар ҳамжамияти муҳокамасига кўйиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

Ливия делегати сионист давлатга қарши жаҳон миллатлар ҳамжамияти таъсирчан чоралар кўришига тўсқинлик қилмоқ учун Қўшма Штатларнинг БМТга аъзо бўлган мамлакатларга тазйиқ ўтказиш йўлидаги уринишларини дўқ-пўписа сиёсати деб таърифлади. Али Трейки Вашингтоннинг халқаро ташкилот Исроилни аъзоликдан чиқарилишини талаб қилган тақдирда шу ташкилотни тарк этиш тўғрисидаги таҳдидларини рад этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, деб уқтирди Ливия вакили, бир давлатнинг хоҳиш-идораси ва ниятларига боғлиқ эмас.

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**ГАВАНА.** Биринчи ярим йилда Куба экономикасининг ўсиш суръатлари 5 процентга етди. Бу Лотин Америкасидаги бошқа мамлакатлар кўрсаткичларидан юқоридир, деди Куба миллий банкининг президенти Рауль Леон Торрас.

У Прекса Латина ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Куба Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилаётганлиги туфайли иқтисодий қурилишнинг муҳим планларини муваффақиятли амалга ошираётганлигини таъкидлади. Мамлакат ўз экспортини мунтазам равишда кенгайтирмоқда ва хилма-хил қилмоқда. Бу эса —барқарор ривожланиш гаровидир.

**ВЕНА.** Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кураш проблемаси Австрия социалистик партиясида бўлиб ўтган хотин-қизлар конференциясининг кун тартибида асосий масала бўлиб қолди.

Конференцияда сўзга чиққан нотиқлар ғарбдаги капиталистик мамлакатлар ўткир иқтисодий тангликни бошдан кечираётган ҳозирги вақтда ёшлар билан бирга хотин-қизлар ҳам ана шу тангликдан жабр кўраётганлигини таъкидладилар. Биз касб эгаси бўлиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқига қаттиқ риоя этишимизга эришишимиз лозим, деди ўз докладида Австрия социалистик партияси хотин-қизлар ташкилотининг раиси Иоланда Оффенбек хоним. Иқтисодий тартибсизликлар даврида хотин-қизлар энг охирида ишга қабул қилиниб, энг аввал ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик керак, дёди у.

**АДАН.** Жанубий Яманда чиқадиган «Арбааташар октобр» газетаси Совет Иттифоқи билан ЯХДР ўртасида имзоланган шартноманинг уч йиллигига бағишланган мақоласида бундай деб ёзади: СССР билан ЯХДР ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ижобий амалий мазмун билан бойиган, инсонпарварлик, тинчликсеварлик характерига эга ва икки мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади.

Совет Иттифоқининг берадётган ёрдами ва мадади миллий экономикани ривожлантиришга, демократик Яманда янги ҳаёт қуришга имкон беради, деб таъкидлайди газета. ЯХДР олий халқ Кенгаши Президиумининг Раиси, Яман социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, мамлакат Бош министри Али Носир Муҳаммаднинг яқинда Совет Итифоқига қилган визити ҳамда унинг Совет давлати раҳбарлари билан олиб борган музокаралари ЯХДР билан СССР ўртасидаги муносабатларга янги омил бахш этди.

**ОТТАВА.** 1983 йилда Канадада ишсизлар 1,5 миллион кишидан ошиб кетади. Бу йил қишда ишсизлик энг юқори даражага етади —меҳнатга қобиляти жами аҳолининг қариб 13 процентн ишсиз бўлади. 1985 йилгача бўлган даврга келганда эса ишсизлик даражаси 10 процентдан ошиб кетади, «Конференс борд оф Канада» тадқиқотчилик ташкилоти эълон қилган нохуш беш йиллик маълумот ана шундай.

Бу ташкилотнинг фикрича, пулнинг қадрсизланишини ҳам ҳисобга олганда бу йил мамлакатнинг ялпи миллий маҳсулоти 3,2 процент қисқаради.

Ҳозирги иқтисодий маълумот ана шу ташкилот йилнинг июль ойида берган маълумотлардан кўра аянчлироқдир.

**ТОКИО.** Префектура ва муниципал муассасалар ходимлари Умумяпония касаба союзлари раҳбарларининг бу ерда бўлиб ўтган мажлиси қатнашчилари ҳарбий харажатларни дарҳол қисқартириш ҳамда қолган маблағларни мамлакат экономикасидаги инқирозни бартараф этиш учун сарфланишини талаб қилдилар. Улар меҳнаткашларни ўз молиявий проблемаларини аҳолининг кенг қатламлари ҳисобига ҳал этишга уринаётган ҳукумат сиёсатига қарши курашни кучайтиришга даъват этдилар. Мажлис қатнашчилари маъмурларнинг давлат хизматчилари иш ҳақини оширмаслик тўғрисидаги қарори қонунга зид характерда эса эканлигини таъкидладилар. Касаба союз, унинг барча аъзолари ҳукмрон либерал демократик партиянинг халққа зид сиёсатига қарши мамлакат парламентининг бўлажак сессияси вақтида ўтказиладиган ялпи норозилик намойишига қўшилишга чақирдилар. (ТАСС).

# Санъаткорлар—деҳқонлар меҳмони

«Бугун биз ҳаммамиз — пахтакорларимиз» деган сўзларнинг ватанпарварлик аҳамиятини чуқурроқ тушуниб олиш, пахта теримида бевосита ёрдам бериш, шу тариқа ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир район ва область қабул этган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш, камида 6 миллион тонна «ок олтин» териб олиш — ҳар бир кишининг энг биринчи бурчидир», дейилади республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга қарата Мурожаатида. Мурожаатдан руҳланган бир группа санъаткорлар яқинда Чиноз районида бўлиб, «Октябрь 40 йиллиги» ҳамда Охунбобоев номли колхозларнинг меҳнат аҳли ва олийҳиммат ҳашарчилар билан учрашдилар.

Учрашув Ўзбекистон композиторлар союзи томонидан ташкил этилди. Ўзбекистон телевиденияси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг бош дирижёри, республикада хизмат кўрсатган артист Тельман Ҳасанов, композитор Мустафо Бафоев, Ҳабибулло Раҳимов, Турсун Азимов, хонандалардан, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Малоҳат Дадабоева, Ҳадя Юсупова, Тоштемир Шарипов, ёш ижрочилардан Малика Раҳимова, Мухтор Бойматовлар ўзларининг Ватан, партия, дўстлик ва меҳнатни улуғловчи энг яхши қўшиқларини пахтакорларга тақдим этдилар.

Концертдан сўнг Охунбобоев номли колхознинг 1-бригадаси бошлиғи Абдурахмон Бекмуродов, илғор теримчилардан Асалой Тоғаева, Гулнора Бойназарова, Меҳри Эшова ва Карима Эргашевалар пахтакор ва ҳашарчилар номидан санъаткорларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этиб, учрашув уларда яхши таассурот қолдирганлигини таъкидлашди.

М. МУҲАМЕДОВА.

**Андижон область Жалолқудуқ районидаги Ойим посёлкаси йирик аҳоли пунктларидан бири. Бу ердаги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида янги гилам тўқиш цехи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ана шу цехда йилига 2 минг квадрат метрдан ортиқ маҳсулот тайёрланади.**

**Индустрия бу посёлкага янада дадил одимлари билан кириб келмоқда. Ҳозирги пайтда замонавий гилам фабрикаси жадаллик билан қуриляпти. Шу йилнинг охиридаёқ фабриканинг йилига 5 минг квадрат метрдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўладиган биринчи навбати ишга туширилади. Гилам тўқиш цехида касб ўрганиб, ўз малакаларини янада ошираётган хотин-қизлар келгуси йилдан бошлаб замонавий фабрикада меҳнат қиладилар**



**Суратда: гилам тўқиш цехининг участкаларидан бири.**
**Р. Ашуров фотоси.**

# СПОРТ

## ПЕШҚАДАМЛАР ҒАЛАБАСИ

**Биринчи лига иштирокчилари бўлган футбол командалари ўртасидаги навбатдаги тур учрашувлари муросасиз ўтди.**

Бўлиб ўтган 11 учрашувнинг саккизтасида майдон эгалари, учтасида эса меҳмонлар ғалаба қозонишди. Мазкур матчлар давомида ҳаммаси бўлиб дарвозаларга 31 та тўп киритилди. Шулардан 21 таси мезбонлар, 10 таси меҳмонлар ҳисобига ёзилди. Умуман мавсум якунланиши арафасидаги ҳар бир матч кескин спорт курашлари остида ўтиб, томошабинларда яхши таассурот қолдиряпти. Айниқа, кучлилар сафида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган икки йўлланма учун қизғин баҳс бормоқда. Ҳозирда бир йўла беш коллектив олий лигага чиқиш учун кураш олиб бораяпти. Шуниси эътиборга лойиқки, ўтган турда уларнинг барчаси ғалаба қозониб, ҳисобларидаги очколар сонини яна иккитаданга бойитишга муваффақ бўлишди.

Турнир жадвалида карвонбошиликни давом эттираётган Вильнюснинг «Жальгирис» футболчилари ўз майдонларида Душанбенинг «Помир» командаси билан куч синашишди. Ўйинни ташаббускорликда ўтказган мезбонлар меҳмонлар дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди. Иккинчи ўринда бораётган Воронежнинг «Факел» клуби йирик ҳисобда ғалаба қозонди. Воронежликлар Киевнинг СКА клубини қабул қилишди. Улар 90 минут давомида киевлик футболчиларни ўйинни тўрт маротаба майдон марказидан бошлашга мажбур этдилар. Ўз дарвозаларини эса дахлсиз сақлаб қолишга эришишди.

Учинчи ўринни эгаллаб турган Никополнинг «Колос» командаси сафарда «Гурия» (Ланчхути) коллективининг меҳмони бўлди. Қизғин курашлар остида ўтган бу матч 2:1 ҳисобида меҳмонлар фойдасига тугади. Юқорида таъкидлаганимиздек пешқадамлар сафида бораётган Кишинёвнинг «Нистру» ва Москванинг «Локомотив» командалари ҳам зафар қучишди. Жумладан кишинёвликлар ўз майдонларида СКА «Карпати» клубини 1:0 ҳисобида енгишди. Москваликлар эса Смоленскда маҳаллий «Искра» футболчиларини мағлубиятга учратишди — 3:0.

Жиззахнинг «Звезда» клуби бу сафарги рақиб майдонидаги ўйинни ҳам муваффақиятсиз ўтказди. Жиззахликлар Ригада «Даугава» командаси билан бўлган матчда 0:2 ҳисобида утказишди. Бошқа ўйинлар натижаси билан танишинг: «Спартак» (Кострома) — СКА (Хабаровск) — 0:2, «Ротор» (Волгоград) — «Заря» (Ворошиловград) 5:2, «Шинник» (Ярославль) — СКА (Одесса) — 1:0, «Динамо» (Киров) — «Таврия» (Симферополь) — 2:0, СКА (Ростов) — «Металлург» (Запорожье) — 3:1.

Командалар турнир жадвалида қуйидаги тартибда ўрин эгаллашди.

| | Ў | Т | О |
|---|---|---|---|
| «Жальгирис» | 40 | 63-32 | 54 |
| «Факел» | 40 | 60-33 | 53 |
| «Колос» | 40 | 59-35 | 52 |
| «Нистру» | 40 | 61-37 | 52 |
| «Локомотив» | 40 | 61-31 | 52 |
| «Заря» | 40 | 62-51 | 44 |
| «Шинник» | 40 | 55-55 | 43 |
| «Даугава» | 40 | 54-46 | 43 |
| «Помир» | 41 | 48-49 | 42 |
| СКА Р | 40 | 58-50 | 41 |
| «Ротор» | 40 | 62-58 | 40 |
| «Металлург» | 40 | 51-39 | 39 |
| «Таврия» | 40 | 53-47 | 38 |
| СКА | | | |
| «Карпати» | 40 | 36-37 | 38 |
| «Искра» | 40 | 52-59 | 38 |
| «Звезда» | 41 | 56-76 | 37 |
| «Гурия» | 40 | 46-61 | 36 |
| «Динамо» | 40 | 43-56 | 35 |
| СКА Хб | 40 | 31-48 | 35 |
| СКА Од | 40 | 37-46 | 32 |
| СКА К | 40 | 30-76 | 20 |
| «Спартак» | 40 | 18-71 | 17 |

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

# ЭРГАШ БОБО ФУТБОЛДА

ЮМОРИСТИК ҲИКОЯ

Эргаш бобосиз ҳамқишлоқлари, айниқса, тенгқурлари зериккб қолишади. У бор-давра ҳамиша гавжум бўлади. Шундан бўлса керак Эргаш бобо кўринмай қолса, дарҳол ўрни билиниб, уни қўмсашади. Яқинда ҳам шундай бўлди. Бобо қишлоқда қайтганини эшитганлар уйига кўргани келишиб, Москвага қандай бориб келгани, нималарни кўрганини суриштира кетишди.

Гап шундаки, Эргаш бобонинг тўнғич ўғли Москвадаги илмий тадқиқот институтларидан бирида ишлайди. Юмуши қўплигидан, келишга имкони бўлмаганидан бобо кампирини ёнига олиб, йўлга тушди...

— Қани, гапиринг-чи, Эргашвой, — деди бобо Москвадан қайтганининг эртаси чойхонага чиққанда оқсоқоллардан бири. — Пойтахтда нималарни кўрдингиз, кимлар билан учрашдингиз?

— Қай бирини айтсам экан?! Кампирим билан балетга тушганимними, Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида бўлганимизними ёки Кремль ёнида катта қайиққа ўтириб, дарёда сайр қилганимизними? Гапирсам тонг отгунча ҳам тамом бўлмайди. Яхшиси қандай қилиб футболга борганимни гапираколай...

Футболни эшитишлари билан даврадагилар бир-бирига шивирлашиб қолишди.

— Майли, майли футболга борганингизни айтақолинг, Эргаш бобо, — дейишди эшикка яқин ўтирган ёшлардан бир нечтаси баравариг.

Эргаш бобо эртакчиларга ўхшаб чўккалаб ўтириб оларкан, айтмоқчи бўлган гапларини хотирига келтириш учун бироз ҳаёлга толди. Ўзига тикилиб турган кўзларга нигоҳи тушиб, босиқлик билан ҳикоясини бошлади.

— Келин пиширган димламани танаввул қилиб, кўк чойга қонгач, ўғлимни бир четга имладим ва «Болам, битта илтимосим бор, шуни бажарсанг» дедим.

— Бажонидил, қўлимдан келса албатта бажараман, айтаверинг отажон, — деди ўғлим.

— Яна икки кундан кейин онанг иккимиз қайтамиз. Боя шаҳарни айланиб юрганимизда кўзим тушиб қолди. Стадионда футбол бўлар экан. Афсуски бизнинг «Пахтакор» эмас. Москва командаларидан бири қайсидир команда билан ўйнар экан. Агар майли десанг шу ўйинга тушиш ниятим бор. Ахир, Москвадай жойга келиб, футболни кўрмай кетсам қандай бўлади. Ундан кейин шу ёшга етиб стадионда кўрмаганман футболни.

— Мени кечирасиз отажон, ёлғиз ўзингизни футболга юборолмайман. Менинг ҳам, ўғлимнинг ҳам бирга боришга имкониятимиз йўқ. Шаҳарни ўзингиз кўрдингиз, транспорт серқатнов. Ёлғиз юришга қийналиб қоласиз. Қолаверса ҳаммамиз ховотир оламиз.

— Хуллас, ота-бола роса тортишдик. Ахири кўндирдим. «Фақат онанг билмасин. Сўраб қолса, эски танишлардан бири билан учрашиб қолдим, деб жавоб бераман» дедим.

Шундай дедимда, кўчага чиқдим. Бир такси яшил чироғини ёқиб келаётган экан. Қўлимни кўтаришим билан ёнгинамга келиб тўхтади.

— Стадионга. — дедим орқа ўринданқа ўтириб.

— Қайси бирига? — сўради шофёр.

— Қайсигалигини билмайман, бугун қайси стадионда футбол бўлса, шунисига олиб борасан.

— Дардмандларданмисиз, бобой? — деди шофёр.

— Нима, сендан касалхонани сўрадимми?

Шофёр жилмайиб қўйидда, бошқа мендан ҳеч нарса сўрамади.

— Билетни ҳам олдим. Стадионга кириб, жойимни тополмай турганимда бир дилкашгина аёл ёрдамлашиб юборди.

— Ие, келинг, биргаликда дардмандлик киларканмиз. — деди қўлимни маҳкам сиқиб. тўладан келган, ўрта ёшлардаги кавказликларга ўхшаган киши.

— Нима, ҳаммамизлар менга тармашиб олдинглар. Отдайман. — Жаҳлим чиқандан бақириб юбордим. — Шофёр дардмандларданмисиз деб сўрайди, сиз бўлсангиз дардмандлик киламиз дейсиз. Мен умуман дардман бўлишни истамасамчи, унда нима дейсиз?

— Ундами, отахон, уйда ўтириш керак. — Шартта гапимни бўлди ҳалиги одам. — Ҳеч нарса тушунмайсиз, бобой. Одам футболда балет қилмаслиги мумкин эмас. Худога шукур бу сиз айтган гриппи ҳам, қичима касали ҳам эмас. Футболга тушган кишининг албатта дарди бўлади. Бироқ бу дард бюллетень олиб, поликлиникага қатнашга мажбур қиладиган дард эмас. Мухлислик касали шунақа касалликки, одам стадионда бефарқ ўтиролмайди. Кулади ҳам, йиғлайди ҳам. Ҳаяжонга тушади, қувонади, гоҳо асабийлашади. Тушундингизми?! Бобой бахтингиз бор экан, яхши жойга тушибсиз. Бизнинг бутун секторимиз битта командага қайишади.

— Мен нима қилишим керак? — сўрадим ёнимдаги кишидан.

— Гапларимни диққат билан эшитинг бўлмаса. Футболчилар тўпни бир-бирига шунчаки оширишганда индамай, дам олиб ўтиравересиз, бобой. Тўпни бизникилар олишиб, рақиблар дарвозаси томон югуриши билан овозингизнинг борича «шайба», «шайба» деб бақирасиз. Кутилмаганда нариги команда вакили ўйинчиларимиз ёғидан тўпни олиб, бизнинг дарвоза томон интилишади. Дарҳол бақиришни тўхтатиб, ҳуштак чала бошлайсиз. Бобой, ҳуштак чалишни биласизми? Ёшлигингизда каптар боққандирсиз?

Шу пайт музика янграб, футболчилар майдонга югуриб чиқишди. Улар икки томонга ажралишиб, кўлларини баланд кўтарганча, томошабинларга салом беришди. Бир томондагилари сариқ кийимда, иккинчи томондагилари ҳаво ранг кийимда. Ҳар бир командада биттадан бўйи новчаси бор.

— Буларнинг ҳаммаси ўзимизникилар эмасми? — Ёнимдаги кишидан сўрадим.

— Ҳаворанг кийимдагиси, бобой, бизникилар. Ана шуларга қайишамиз, бобой.

— Анави дорози нега бошқа кийимда?

— Буми, буниси дарвозабон. Ўнтаси югуради, шуниси дарвозани қўриқлайди.

— Унда қора кийимдаги, тепакали ким бўлди?

— Бош судья. Қайси команда майдоннинг қай томонида тўп суришини шу одам белгилайди.

Мен бошқа ҳеч нарса сўрамадим. Чунки ўша қора кийимдагиси ҳуштагини чуриллатиши билан ўйин бошланиб кетганди. Ҳамма нарсани унутиб, ўйинга берилиб кетибан. Сариқ кийимдагилардан бири тўпни олиб, олдинга интилиши билан бошимга «бақирмайсанми», деган ҳаёл келиб «шайба», «шайба», деб қичқира бошладим. Шунда орқадаги қаторда ўтирган, кўзойнак таққан, бурама мўйловли, бурни хомакдек келаётган барваста киши кафтини елкамга ташлаб, қулоғимга оҳиста пичирлади: «Гражданин, қайси секторда ўтиргангингизни биласизми? Умуман ҳайронман, сизнинг ёшингиздаги одам қандай қилиб ёруғ кунда адашиб юриши мумкин?».

Шундан кейин анча вақтгача дам олиб ўтирдим. Негаки, футболчилар тўпни гоҳ у томон, гоҳ бу томон ошириб, ўртадан нари силкиларди. Бора-бора зерика бошладим. Ҳатто ўрнимдан туриб кетмоқчи ҳам бўлдим. Шу пайт ўйинчилардан бири рақибининг оёғига урриб, чиллак ошириб юборди. Бирданига майдонга сумка кўтарган икки киши югуриб кириши. Уларнинг қўлида сув тўла шишалар ҳам бор эди. Ўйинчилар назбат билан шишани қўлга олишди. Бояги чиллак ошиб тушган ўйинчи ҳам ўрнидан тура солиб, югуриб кетди. Ўйин яна давом этди. Яна бир воқеа бўлди. Айтиш ноқулайроқ. Лекин айтаман. Сариқ кийимлик ўйинчи ҳаворанг кийимдаги ўйинчининг трусисидан ушлаб, уни ҳеч қўйиармасди. Мен ўтирган сектордa бамисоли минглаб ҳуштаклар чалинди. Судьянинг ҳам астойдил жаҳли чиқди. Бояги рақибини ушлаб қолган ўйинчита қандайдир қоғозни кўрсатиб, алланарсалар деди. Кейин худди ўша ерга тўпни қўйдириб, дарвозага қараб тепишни буюрди. Сариқ кийимдаги ўйинчилар тўпдан анча нарида қатор туришиб, қўллари билан қорнларини бекитиб олишди. Бу билан гўё ўзларининг қўрқмасликларини кўрсатаётгандек эди улар.

Тўпнинг ёнида турган ҳаворанг кийимдаги уч ўйинчи ўзаро маслаҳатлашишиб, бақувватроғи анча орқага бориб, кучининг борича югуриб келди-да тўпни тепди. Буни қарангки, тўп дарвозага эмас, айланиб бориб, судьянинг тепакал бошига тегиб, ағдариб ташлади. Ҳайратдан ҳамма ўрнидан туриб кетди. Қарасам икки киши судьяни замбилга солиб, майдондан олиб чиқиб кетяпти. Майдоннинг четига етганда судья бошини кўтариб, ерга қўйишни ишора қилди. Аввал бошини у ён бу ён ташлаб кейин қўлларини қимирлатиб, гимнастика қилган бўлди. Замбилдан сакраб тушди-да, худди йиқилган жойига югуриб келди. Шу ердан яна ўйин бошланди.

— Судьянинг боши пўлатдан экан, — деди ёнимдаги киши, — бу зарба уча-мунча одам чидолмаси, қойил.

— Кейин мен яна дам олиб, ўйиннинг бир маромда ўтаётганидан зерика бошладим. Ниҳоят пўлат бошли судья қўлини баланда кўтариб, ўйин тугаганига ишора қилди.

— Жанговар дуранг! — Деди орқа томонимда ўтирган бояги кўзойнакли киши.

Сизларга нима десам экан, ҳамқишлоқлар. Умуман стадион менга ёқди. Ниҳоятда чиройли, одам ҳам кўп тўпланди. Бироқ, ўйин маъкул бўлмади. Умид билан кирганингдан кейин дарвозага тўп кирсада. Менда иккита таклиф пайдо бўлди. Шуларни футболчилар бошларига ёзиб юборгиним. Биринчидан, дарвозага тўп урадиган азамат йўқ экан, бекорга дарвозабон ёллаб, унга маош тўлашнинг нима кераги бор. Иккинчидан, ўйинда тўп судьяга тегиб, йиқилиш ҳоллари бўлар экан, тепакал судьяларга қалин парик ёки ўт ўчирувчилар каскаси кийишни таклиф қиламан. Худо кўрсатмасин, бир умрга ногирон бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Ахир судья бир кун эмас, ҳамиша керак одам. Шундай бўлгач, уларни эҳтиёт қилиш керак-да.

Юрий РАШРАГОВИЧ.

УЛКАМИЗ НАБОТОТ ОЛАМИ

# ҚАЙИН

Қайин — мамлакатимизда кенг тарқалган ва айни пайтда энг чиройли дарахтлардан биридир. Унинг бақиёс гўзаллигини шоирларимиз бежиз куйлашмаган.

Афсуски, бизнинг шароитимизда қайин фақат тоғолди зоналарида ва текисликнинг жудаям оз қисмида ўсади. Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти территориясида ҳам қайин дарахтлари бор. Улар суғориладиган шароитда гуркираб ўсяпти. Агар бу дарахтга парвариш берилса, суғорилса, Ўзбекистонимизда ҳам қайинзор шовуллаши, юртимиз кўркига-кўрк қўшиши мумкин.

Қайин баҳорда жуда эрта куртак чиқаради. Бу даврда гўё қайин майин яшил либосга ўралгандай бўлади. Шохлари кўкламда жуда ҳам тиниқ, зилолдек бўлади.

Агар қайин шохларига кўл чўзсангиз, унинг мурғак барглари тушиб кетади. Барглар бироз ёпишқоқ бўлади, уларни бир неча дақиқа кафтингизда тутинг: қўлингизда унинг ёқимли, анвойи ҳиди ўтириб қолади.

Қайин бир хўжайрали экин: бир дарахтнинг ўзида эркак ва урғочи попуги ҳам ўсаверади. Одатда турли жинсдаги популяр бир шохда, ёнма-ён жойлашади. Шу боисдан чангланиши осон.

Қайин мевалари август бошидан дарахтдан туша бошлайди. Мевалари шу қадар кичкинаки, уни кўзда илгаш қийин. Баъзи митти меваларига лупа орқали қарасангиз, у гўё қанотини кенг ёйган капалакларни эслатади.

Қайиннинг кенг тарқалганига икки сабаб бор: биринчидан, унинг ўнлаб меваларидан шамол таъсирида узоқ-узоқларга бориб тушади ва кўкаради. Иккинчидан, у жой танламай, қурук ва қумлоқ ерларда ҳам, ботқоқликда ҳам ўсади. Аммо ўта ёруғликни ҳуш кўради, қоронғиликка бардош беролмайди. Шунинг учун одатда ўрмонда эртами, кечми қайинни бошқа дарахтлар қисиб чиқаради.

Бу дарахтдан хўжалик ишларида кенг фойдаланиш мумкин. Қайиндан олинган ўтин яхши ёнитади, у бу борада дуб дарахтидан кейинда туради. Қайиндан фанер, чанғи, мебель, турли токарлик асбоблари тайёрланади. Қайиндан ажойиб кўмир олинади, қатрон ишланади. Шохлари яхши тутатгичиқ вазифасини ўташи мумкин. Авлодларимиз унинг пўстлоғидан хат битишда ҳам фойдаланишган.

Тиббиётда қайин замбурури кенг фойдаланилади. У диаметри 30—40 сантиметргача шишган ғурра кўринишида бўлади. Баъзи ерларда чойга қўшиб ичишади. Шунинг учун уни қайин чойи деб аташади. Таркибида пигментлар, марганец кўп. Қайин замбурургини-йил бўйи тайёрласа бўлади. Аммо уни барг ёки қор қопламаганда — баҳорда ва кузда топиш осон. Бу вақтда олинган хом ашё яхши таъсир этади. У болта билан тундан кўчириб олинади, тезда сариқ ва оқ кўпир қисми, пўстлоғи тозаланади. Тозаланган замбурутларнинг қуришини тезлатиш учун уни қисмларга бўлиш керак. Йилнинг иссиқ даврида айвонда, совуқ даврида печда (50—60 даражадан юқори бўлмаган ҳолда) қуритилади. Тайёр хом ашёни икки йилгача албатта қурук ҳолатда сақлаш тавсия этилади. Кейинчалик у ўзининг шифобахш хосиятини йўқота бошлайди.

Қайин шарбати ҳақида гапирмай бўлмайди. Эрта баҳорда поя ковлаб кўрилса, тиниқ, озгина чучук суюқлик сачраб чиқади. Бунда ўсимлик дармонсизланади: у ёш шох ва барглар ҳосил қилиш учун тўпимли моддалар запасидан ажралади. Лаганган жойидан тирик тўқимага дарахтни касаллантирувчи турли микроорганизмлар тушиб қолади. Жароҳатланган жойнинг ўзи анча вақт битиб кетмайди ва жуда ҳунук ҳолда бўлади. Шунинг учун қайин шарбатининг баҳридан воз кечган маъқул. Шарбатни яқин вақтда кесиладиган дарахтлардан олиш керак.

З. НОВИЦКИЙ,
**қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.**

# ҲАР ТЎҒРИДА

## ТЎРТ ОЁҚЛИ «ҒАВВОС»

**Флоридалик денгиз типратиканларини овловчи Рэнд Гибсоннинг Кули лақабли овчаркасига тараф йўқ.**

Рэнд итини 10 метргача чуқурликка шўнгиш ва сув остидан қисқичбақалар, денгиз типратиканларини олиб чиқишга ўргатди. Тўрт оёқли «ғаввос» денгизда ўзини яхши ҳис қилади ва эгасининг барча топшириқларини аълога бажаради.

Яқинда Кулини Флорида дельфинарийсидаги кўрсатувлардан бирида қатнашишга таклиф этишди. Шуниси қизиқки, у қатнашадиган программа мураккаблиги жиҳатидан дельфинлар намойиш қиладиган кўрсатувлардан қолишмайди.

## ҒАРОЙИБ ЎЛЖА

**Куба ороли соҳилларидаги сувларда ов қиладиган балиқчиларга чинакам «жанг» қилишга тўғри келди.**

Гап шундаки, тўрга... улкан тимсоҳ тушиб қолди. Аммо тимсоҳни бир юк машинаси ва иккита трактор ёрдамидагина қирғоққа судраб чиқишга муваффақ бўлинди. Ғаройиб ўлжа дарҳол ўлчаб кўрилганда унинг узунлиги 10 метр чиқди!

# ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

# ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНДАН САҚЛАНИНГ!

Ҳозир кузги қўзиқоринларнинг айни етилган пайти. Уларнинг турлари ҳар хил бўлиб, истеъмол қилиш мумкин бўлганлари ва заҳарли қўзиқоринларни ташқи кўринишидан ажратиш қийин. Шу боисдан ҳам қўзиқоринларни билар-билмас териб, истеъмол қилиш натижасида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Бинобарин, шуни айтиш керакки, заҳарли қўзиқоринлар кузнинг серёғин кунларида кўп учрамоқда.

Айрим шаҳслар қўзиқорин турларини билмай, уларни бозорларга олиб келиб, сотмоқдалар. Натижада қўзиқоринлар заҳарланиш ҳоллари содир бўлиб турибди. Ана шундай камчиликларнинг олдини олиш максадида Тошкент шаҳри бозорларида ҳар қандай кўринишдаги қўзиқоринларни сотиш ман этилди. Заҳарли қўзиқоринларни сотган шаҳсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Қўзиқорин билан заҳарланишнинг клиник белгилари қуйидагича: заҳарланган кишиларда қўлинча уч-тўрт соат ўтгандан кейин, баъзиларда эса ўн соатдан сўнг кўнгил айнаш, қайта-қайта ўқчиқ ва бунинг оқибатида қусиш ҳоллари рўй беради, қоринда қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб, ич суради. Буларнинг ҳаммаси организмни умумий қуватсизликка олиб келиб, тинка-мадорин қуритади. Заҳарланган кишининг юрак уриши тезлашади, ҳарорати кўтарилиб, қон босими пасаяди. Ана шу пайтда бемор ёки унинг яқинлари дарҳол врачга ёки «Тез ёрдам»га мурожаат қилишлари керак. Акс ҳолда беморнинг аҳволи оғирлаша бошлайди. Ўз вақтида врачга мурожаат қилиш оғир оқибатларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозир республикамиздаги барча медицина муассасаларида қўзиқоринда заҳарланган кишиларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

М. ОРТИҚОВ,
**Республика санитария-маорифи уйининг бош врачи, медицина фанлари кандидати.**

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

# Телевидение

## ШАНБА

30 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «АБВГДейка».
10.10 «Ота-оналар Сизлар учун».
10.40 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
11.25 «Спортлото»нинг 44-тиражи.
11.35 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
12.45 «Комсомольская правда» газетасининг совғини учун ГТО комплекси кўп кураши бўйича СССР чемпионати ва биринчилиги. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
13.25 «Марио дель Монако билан учрашув».
13.55 «Инсон. Ер. Коинот».
14.40 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув.
15.25 «Дунё воқеалари».
15.40 «Комила». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Узбекфильм»).
16.45 «Ҳайвонот оламида».
17.45 Снёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.
18.15 «Берёзка» Давлат академик хореографик ансамблининг концерти.
19.00 «9-студия». Кўрсатувни снёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради.
20.00 «1982 йил қўшиқлари». Красноярскдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак». 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионининг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.40) — «Агар соғлом бўлай десанг».
23.25 «Севгимиз дарёси». Деснa ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
23.55 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 «Зацепинлар оиласи». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.
11.40 «Тонгги почта». Музикали программа.
12.10 «Киносаёҳатчилар клуби».
13.10 «Жаноби депутат». Телевизион бадиий фильм премьераси. (Венгрия).
14.10 «Музикали киоск».
14.40 Велоспорт бўйича СССР кубоги. Трекда пойгалар. «Крилатское» спорт комплексидан олиб кўрсатилади.

*

15.10 МОЛДАВИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
«Гуллаб-яшнаётган боғлар ўлкаси». Киноочерк.
«Ветрилэ оиласи». Ҳужжатли фильм премьераси.
«Рассом И. Внеру». «Фольклор» ансамблининг чиқиши.

*

17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — «Спартак». Одессадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (17.45) — Халқаро обзор.
18.45 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
19.30 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1976 йил».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
21.30 «Время».
22.05 «Инспектор Гул». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.
00.25 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Москва). 2-тайм. Киевдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Телевизион миниатюралар театри.
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби».
12.10 Киноредакция почтасидан.
13.00 «Жанговар постда».
13.30 «Йўл азоби». Бадиий фильм.

* * *

16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденияларининг биргаликдаги программаси.
18.00 «Тонгги қўшиқ», «Бир том остида». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Бойчечак».
19.00 «Орзу». Фильм-концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Бебенисида куз». Телефильм.
20.00 Узбекистон ССР Рассомлар союзи кўргазма залидан репортаж.
20.30 «Ахборот».
20.55 А. Н. Островский номли Тошкент театр-рассомчилик институти студентларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.35 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

«КИШЛОК ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Гаржима бўлимлари — 32-33-81-42, 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р—07454. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64543. А. 1148. 12